Mumtoz musiqamizni targ‘ibu tashviq etishga butun vujudi bilan berilgan Abdurahim dutoriy suhbatlarda turli-tuman g‘oya va takliflarni muhokamaga tashlar, ularning ijrosiga ham sidqidildan kirishardi. Madaniy hayotimizda katta voqea bo‘lgan “Maqom ijrochilarining respublika tanlovi” ta’sis etilishida Abdurahim Hamidovning xizmatlari katta. Uning o‘zi xam g‘olib sozandalar safidan o‘rin egalladi.Ijroga xolis, adolatli yondashuvlari bois bir necha marta tanlovda xay’at a’zosi etib tayinlandi. Abdurahim dutoriy xilma-xil uslubda chalgan “Ajam taronalari”, “Kurd”, “Qamchimbegi”, “Chorgoh taronalari”, “Saboh 1 va 2”, “Miskin 2”, “Dutor bayoti”, “Sharob 1 va 2”, “Savti kalon” ilgari kuzatilmagan baland ijroviy saviyada yangrab, grammafon lappaklar tarzida ko‘paytirildi.

Zamondosh dutorchilar orasida Abdurahim Hamidov yakkanavozlikda ham, turli xil jo‘rnavozliklarda ham, ayniqsa maqom cholg‘u ijrochiligida kamol topti. Uning musiqa ijodkorligi, maxsus va umumiy ta’limi, tarbiyasi va masalalar yuzasidan tushunchalari raso, fikrlari teran, shu bois tili o‘tkir edi.

Konservatoriyada muallimlik qilar ekan, dotsent Abdurahim Hamidov ko‘plab ijodiy tashabbus va loyihalarni ilgari surdi. Ustoz Faxriddin Sodiqov rahbarligi ostida “Buzruk” maqomi cholg‘u kuylari 1973 yili tasmaga muxrlanib, lappagi ko‘paytirilgan edi. Ana shu savobli ishning davomini mo‘ljallagan Abdurahim “Mushkilot” cholg‘u kuylarini to‘liq yozdirish payti kelganini payqadi. Olti yil mobaynida talabalar maqom ansambli bilan birin-ketin “Buzruk”, “Rost”, “Navo”, “Dugoh”, “Segoh”, “Iroq” maqomlarining barcha cholg‘u qismlarini jonlantirdi. Natijada besh dona albomda o‘n bitta lappakka yozilgan shaklan tugal asarlar “Shashmaqom cholg‘u yo‘llari” rukni ostida jamlandi. Darvoqe, shu kunga qadar bu asarlar yaxlit hamda bir xil ijroviy uslubda talqin etilgan yagona yondashuvning akademik ko‘rinishi sanaladi. Zotan, bir muddat to‘xtab qolgan ibratomuz ijodiy ishni ustoz martabasiga erishgan Abdurahim Hamidov shunchaki davom ettirmadi. U maqom qismlarini akademik Yunus Rajabiy yozib olgan nota to‘plamlari bo‘yicha

birma-bir o‘qib, tahlil qilib, ijroviy vositalarini topishga muvaffaq bo‘ldi. Kuy-ohanglarga yangicha sayqal berdi. Asarlarning badiiy-ijodiy hamda texnikaviy sifati barkamol bo‘lishida mohir ovoz rejissyori, marhum Anvar Tojievning ham hissasi katta bo‘ldi. Mazkur ijrolarning ilmiy, amaliy, ijodiy, ma’rifiy ahamiyati hanuz kamaygani yo‘q.

Hassos sozanda, zabardast ustoz, zakiy olim Abdurahim Hamidovning qimmatli ijodiy merosi uning nomini zamon sarhadlari osha kelgusi avlodlarga yetkazishiga ishonchimiz komil” – deb yozadi 2013 yil mart oyida Jannatmakon jurnalida chiqqan maqolasida O‘zbekiston davlat konservatoriyasi professori Ravshan Yunusov.

Darhaqiqat, nafis san’at jabhalari munosib salohiyat egalarining sa’y harakati, izlanishlari tufayli jonlanadi, rivoj topadi. Bu sirli olam ahlining ezgu muddaosi esa, yangi-yangi marrlarni ko‘zlagan holda ijodiy yutuqlardan ixlosmand qalblarni bahramand etishdan iboratdir. Sevimli cholg‘usiga sodiqlik bilan ismini “dutoriy” nisbati ila bezagan Abdurahim Hamidov umrini milliy musiqamiz rivojiga baxshida etdi. Abdurahim Hamidovning muborak nomi ajoyib sozanda, mohir ustoz-muallim, o‘zbek maqomlari va bastakorlik ijodiyotining bilimdoni sifatida tarix zarvaraqlarida abadiy muxrlandi.

KASBIY IMIJNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK FENOMEN SIFATIDA TADQIQ ETILISHI

Aminova Dilnoza Orifjonovna

TerDU Psixologiya kafedrasi o`qituvchisi

Zamonaviy hayotda imij tushunchasi eng ko’p foydalaniladigan tushunchalar qatorida turadi. Imij tushunchasini menejment, marketologiya, etika, sotsiologiya, politologiya, psixologiya kabi fan va sohalarda keng qo’llanilib kelinadi. Yuqoridagi sohalarda o’ziga xoslikni namoyon qilib turish, xususiy sifatlarni ajratish, ma’lum darajadagi statusni belgilash maqsadlarida mazkur tushunchadan foydalaniladi.

Imij tushunchasining psixologiyada ilmiy o’rganilishi va qo’llanilishi XX asrning 20-yillariga to’g’ri keladi. Bu davrda G.Lebon, U.Lippman, U.Trotter, E.Martin, xususan shaxsning imij masalasida dastlabki qarashlarni keltirib o’tishgan.[5]

Yuqoridagi olimlar imij masalasida to’liq ilmiy fikrlarni bildirishmagan bo’lishsada, lekin «imij» tushunchasining ilmiy maqsadda va adabiyotlarda qo’llanilishiga birinchilardan bo’lishgan. 20-yillarning oxiriga kelib bixeviorist psixolog J.Uotson reklama sohasida o’z faoliyatini olib borish jarayonida mahsulot imijini shakllantirish bo’yicha bir qancha usullarni ishlab chiqadi. Uning ishlari kelajakda marketing, menejment psixologiyasi, gumanistik psixologiya, reklama psixologiyasi kabi psixologiya yo’nalishlarining rivojlanishida muhim vosita bo’lib xizmat qiladi.

Keyinroq, 1930-yillarga kelib «imij» tushunchasi to’g’risidagi ilmiy qarashlar shakllana boshlaydi. 1970-yillarning boshiga kelib olimlarda ushbu muammoni o’rganishga qiziqish uyg’onadi va imij bo’yicha yangicha ilmiy izlanishlar hamda g’oyalar paydo bo’la boshladi. XXI asr boshlariga kelib ushbu tushunchani yuqorida keltirib o’tilganidek turli fanlarda o’rganilib, barcha sohalarda qo’llash boshlandi. Hozirgi kunda imij tushunchasi psixologiyaning pedagogik psixologiya, sotsial

[5] Averchenko L.K. Imidj i lichnostnыy rost: Uchebnoe posobie. -Novosibirsk: NGAZ i Ch, 1999. 146 s.

psixologiya, personal psixologiya, gumanistik psixologiya kabi sohalarida keng o’rganiladi hamda tatbiq qilinadi.

Imij to’g’risida nisbatan mukammal psixologik fikrlar XX asrda K.Rodjersning «Men-kontseptsiya», G.Ollportning «O’zlik obrazi», J.Kellining «Rolli konstrukt nazariyasi» kabi ishlarida namoyon bo’la boshladi. Ular imijni alohida psixologik fenomen sifatida o’rganishga harakat qilishgan[6].

Yuqorida qayd etilganidek XX asrda psixologiyada tadqiqot ob’ekti sifatida shaxs birinchi o’ringa chiqqanligi imij masalasini o’rganishni fan doirasida o’rganilishi kerak bo’lgan asosiy masala sifatida dolzarbligini yanada oshirdi. AQShlik iqtisodchi va sotsiolog K.Boulding imijni kasbiy muvaffaqiyatning asosi sifatida keltirib o’tadi [Boulding, Kenneth] K.Boulding kasbiy imijni mehnat faoliyatda shaxsning shaxsiy muvaffaqiyati va kasbiy muvaffaqiyatlarini uyg’unlashgan holatda yaqqol namoyon bo’lishini ta’kidlaydi.

XX asr 80-yillariga kelib imij barcha sohalarga xos ekanligi va uning har bir sohada imijning psixologik asoslarini o’rganish asosiy masalaga aylanadi. Ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida imijning ahamiyatini psixologik asoslash, har bir sohada imijning bir-biridan farqlanuvchi va o’xshovchi xususiyatlarini aniqlash maqsadida izlanishlar yangi bosqichga chiqdi.

Tadqiqotlar natijasida imij to’g’risida psixologiyada aniq ilmiy fikr shakllana boshlandi. Ushbu tadqiqot natijalarini tahlil qilganda ulardagi fikrlarni umumlashtirgan holda imijni quyidagicha tavsiflash mumkin:

Imij – stereotip xarakterga ega bo’lgan, jamoat fikri orqali shakllanuvchi obraz. Obraz doim emotsional boyitiladi, ya’ni idrok qilayotgan shaxsda assotsiatsiya keltirib chiqaradi.

Imijning shakllanishi stixiyali (to’satdan, kutilmaganda) va maqsadli bo’lishi mumkin. Birlamchi imij tarkibiy shakllanishida quyidagilar ta’sir qiladi: tabiiy sifatlar va shaxsiy faollik, asosiy maqsadni amalga oshirish uchun qayta tuzilgan xatti-harakatlar, auditoriyaning ishonchi.

[6] Gegen N. Psixologiya manipulyatsii i podchineniya. SPb.:Piter,2005.-203s.

Yuqoridagi ma’lumotlardan ko’rinadiki, imij tashqi va ichki omillar, shuningdek kasbiy xususiyatlarga bog’liq bo’lgan yetarlicha murakkab hodisadir.

Pedagogik imij shaxsiy va kasbiy xarakterga egaligi sababli uni o’rganishga hamda ishlab chiqishga kompleks yondashuv talab qiladi. Ijobiy pedagog imijini shakllantirish «insonning aniq yutuq jihatlari ijtimoiy va kasbiy vazifalarni muvaffaqiyatli» amalga oshirishni o’z oldiga qo’yadi. Shu sababli ham pedagog imijining ham psixologik, ham ijtimoiy ahamiyati muhim. Pedagog bevosita turli jamoalar (mehnat jamoasi, talabalar jamoasi, ota-onalar jamoasi) bilan o’z ish faoliyatini olib borganligi sababli uning kasbiy imiji ijtimoiy-psixologik xususiyatlar va sifatlarda shakllanadi.

Ta’lim-tarbiya jarayonida pedagog faoliyatini muvofiqlashtiruvchi hamda zaruriy bilim va ko’nikmalarni bera olishga yordam beruvchi, shuningdek ustoz-shogird munosabatlarni barqaror, o’zaro ishonch ruhida o’tishida pedagog o’z sohasida professionalligi, pedagogning kasbiy kompetentligi, uning malaka va bilim darajasi, qobiliyatlari, pedagog imiji kabi omillar muhimdir. Ta’kidlab o’tilgan omillardan pedagog imiji muhim ahamiyatga ega. Pedagog imiji pedagogga nisbatan talaba va tarbiyalanuvchilarda ishonchni uyg’otish, ta’lim guruhidagi psixologik muhitni barqarorligini ta’minlashda eng muhim xususiyat sifatida dastlabki o’ringa chiqadi. Psixologiyada imij tushunchasini o’rganishning dastlabki bosqichlarida imijning ahamiyati, uning shakllantiruvchi omillari va sabablariga ko’proq e’tibor berilgan.

Zamonaviy psixologiyadagi izlanishlar ko’proq individual xususiyatlar inobatga olingan holda imijning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini o’rganishga qaratilgan. Pedagog imijining o’rganilishi fan doirasida dolzarbligi yuqoriligi sababli yangi imijologiya, pedagogik imijologiya kabi fan yo’nalishlari shakllandi.

Imijni o’rganishdagi tadqiqotlarni tahlil qilganimizda mutaxassislar tadqiqotlarini turlicha tadqiqot yo’nalishlari orqali olib borishganini ko’rishimiz mumkin: obrazni o’rganish bo’yicha (B.G.Ananev, P.K.Anoxin, A.V.Zaporojets, A.V.Libin, I.S.Kon va boshqalar); faoliyat nazariyalari bo’yicha izlanishlar (L.S.Vыgotskiy, A.N.Leontev, A.R.Luriya, V.N.Myasishev, S.L.Rubinshteyn va

boshqalar); muloqot bo’yicha izlanishlar (B.G.Ananev, G.M.Andreeva, A.A.Bodalev, V.A.Kan-Kalik, V.N.Kunitsына, A.ALeontev, A.V.Petrovskiy, V.A.Petrovskiy, L.A.Petrovskaya va boshqalar); ijtimoiy idrok va ijtimoiy anglash muammosi bo’yicha tadqiqotlar (B.C.Ageev, G.M.Andreeva, N.N.Bogomolova, I.S.Kon va boshqalar.).

Xulosa sifatida imij fenomeni ijtimoiy-psixologiya, falsafa, menejment, marketing va imijologiyada markaziy gnoseologik masala sifatida qayd qilib, uning yechimlari barcha boshqa uning nazariy-amaliy va texnologik masalalariga bog’liq bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Averchenko L.K. Imidj i lichnostnыy rost: Uchebnoe posobie. -Novosibirsk: NGAZ i Ch, 1999. 146 s.

2. Galumov E.A. Imidj protiv imidja. M.: Izd-vo «Izvestiya», 2005.-552 s.

3. Gegen N. Psixologiya manipulyatsii i podchineniya. SPb.:Piter,2005.-203s.

4. Derkach A.A., Perelыgina Ye.B. Imij kak fenomen intersub’ektnogo vzaimodeystviya: soderjanie i puti razvitiya. M.: «Intellekt-Sentr»,2003. - 635 s.

5. Yeropkin A., Sidorova N. Imij rukovoditelya: Kak upravlyat lyudmi. M.: Olma-Press, 1994. -26 s.

XVII— XVIII ASRLARDA O‘RTA OSIYODA IJTIMOIY-FALSAFIY MUHIT

Nilufar Badridinova

Buxoro shahridagi 42-maktab o‘qituvchisi

Annotatsiya mazkur maqolada o‘quvchi yoshlarda vatanparvarlik tuyg‘usini shakllantirishda muhim o‘rin tutadigan Sharq mutafakkirlarining ta’lim-tarbiyaviy qarashlarining mohiyati yoritilgan.

Kalit so’zlar: ijtimoiy va iqtisodiy ahvoli, madaniy-adabiy muhit, suveren huquq, adabiyotida saroy ahllari, ijtimoiy-falsafiy fikr.

Boborahim Mashrabning falsafiy-axloqiy, ijtimoiy- siyosiy, diniy-tasavvufiy qarashlari XVII— XVIII asrlar O‘rta Osiyo ijtimoiy-falsafiy fikri tarixida muhim o‘rin tutadi, Navoiydan keyin sermahsul ijod etgan mutafakkir shoir. Uning o‘lmas razaliyoti, «Mabdai nur» va «Kimyo» asarlari o‘zbek adabiyotida alohida bir sahifani tashkil etadi. Mashrab dunyoqarashi va ijodini bevosita u yashagan davrning ijtimoiy va iqtisodiy ahvoli va madaniy-adabiy muhiti bilan bog‘liq tarzda o‘rganish natijasida quyidagi xulosalarga kelish mumkin. Mutafakkir yashagan davr O‘rta Osiyoda ashtarxoniylar davlati hukmronlik qilgan vaqtga to‘g‘ri keladi. Mashrab yashab, ijod etgan davrda O‘rta Osiyoda ikkita o‘zbek xonligi — Buxoro va Xiva xonliklari qaror topgan bo‘lib, ashtarxoniylar sulolasi XVIII asrning o‘rtalarigacha davom etdi. Mashrab tavallud topgan davrda Movarounnahrda Ashtarxoniylardan Nazrmuhammad hokimlik qiladi. Movarounnahrga 1655 yilda Xiva xoni Abulg‘ozixon, keyinchalik Anusha hujum uyushtiradi.

Buxoro xoni Subxonqulixon Xiva xoni hujumini daf etdi. Buxoro taxtiga Ubaydulla II (1702—1711) keladi. Bu vaqtda Balx ham Buxoro xonligi tasarrufida edi, keyinchalik Balx hokimligi suveren huquq oladi. Mashrabning qatl etilishi (1711 yil) xuddi shu paytga Balx va Qunduz hokimi Mahmud qatag‘onbiy hukmronlik qilgan davrga to‘g‘ri keladi. Ashtarxoniylar davlatining tanazzuli XVIII asr boshlarida cho‘qqisiga yetadi. Farg‘ona XVIII asr boshida alohida hokimiyat bo‘lib

olgan edi. Chustga yaqin Chodak qishlog‘ida darvishlar jamoasi hokimiyatni qo‘lga oladilar. O‘zini Chingizxon avlodidan deb hisoblagan Shohruhbiy darvish-shayxlar hokimiyatini ag‘darib tashlaydi. XVIII asr boshlarida Shohruxbiy davrida Ho‘qand (hozirgi Qo‘qon) shahri yangi tuzilgan davlat poytaxti bo‘ladi.

Mutafakkir yashagan XVII—XVIII asrlarda Movarounnahr o‘lkasida san’at, ma’rifat va madaniyat muayyan darajada taraqqiy etdi. O‘rta asrlar o‘zbek adabiyotida saroy ahllari omonidan nasr va nazm bilan tuzilgan tarixiy va falsafiy asarlar hokimlar, xon va a’yonlarning qarash va mafkurasini aks ettirdi. Xalq orasidan Saido Nasafiy, Turdi Farog‘iy, Ravnaq, Gulxaniy, Roqim, Nishotiy, Andalib, Huvaydo, Co‘fi Ollohyor, Abulg‘ozi Bahodirxon, Mashrab kabi hurfikrli shoir va mutafakkirlar yetishib chikdi, omma xalq bilan birga bo‘lib, ularning orzu-umidlari va qarashlarini o‘z ijodlarida dadillik bilan aks ettirdilar. XVII-XVIII asr O‘rta Osiyo adabiy-falsafiy jarayonida Boborahim Mashrab ijodi alohida o‘rin tutadi. Uning ijodi, darvishona va tug‘yonli targ‘ibotlari o‘lkamizga chegaradosh va boshqa ko‘plab Sharq mamlakatlari she’riyatiga ham salmoqli ravishda ta’sir etdi.

Mashrab she’rlarida hukmron tabaqa namoyandalarining riyokorligi, munofikligi, o‘zboshimchaliklari va aytish mumkinki, mavjud tuzum zulmi kirdikorlarini ayovsiz fosh eta oldi. Muhabbat dashtida ovora bo‘lgan xalqni ko‘rdim, - degan mutafakkir zamonasining adolatsiz tuzumini, xalq ruhi, ruhiyatini kuylashni o‘zi uchun muqaddas deb bildi. Bu davrda diyorimizda faylasuflarning yirik namoyandalari yetishib chiqdi, ular ilg‘or g‘oyalarni ilgari surdilar. Boborahim Mashrab tasavvufning Mansur Halloj, Attor, Rumiy falsafiy dunyoqarashi va gumanistik g‘oyalari targ‘ib etilgan oqimiga va uning tariqat shoxobchasi — shayx yoki darvishga shogird tushib, dunyo lazzatlaridan voz kechib, ma’naviy muhabbatni kuylab, xudoni esga olib fikr yurituvchi falsafiy-diniy oqim qalandariyaga mansub mutafakkir shoir edi.

XVII—XVIII asrlarda tasavvufning qalandarlik tariqati Turkistonda keng tarqalgan. Qalandariya o‘z dasturini tasavvufning yassaviy va naqshbandiya ta’limotidan olgan edi. Tasavvuf yoki so‘fiylik islom dunyosida falsafa, siyosat, diniy axloq, san’at, xususan sharq mumtoz she’riyatiga kuchli ta’sir ko‘rsatgan ta’limot edi.

So‘fiy G‘azzoliy dunyoviy falsafa va dunyoviy ilm bilan shug‘ullanib muvaqqatiy, ruh, jon abadiy ekanligini aytsa, Jaloliddin Rumiy haqiqatga erishish yo‘lida «Men»ligini yo‘qotmadi. Tasavvuf yo‘lidan borgan Mansur Halloj, Ibrohim Adham, Boyazid Bistomiy, Imomiddin Nasimiy va Boborahim Mashrab shu yo‘lda o‘zligini yo‘qotmaganliklari uchun qurbon bo‘lgan edilar. Chunki bu yo‘l Haqqa yetishish va xaqiqat yo‘li edi.

Mashrab Xoja Hofiz, Lutfiy, Nasimiy, Jomiy, Navoiy kabi Sharq mutafakkirlari falsafiy-axloqiy ta’limini chuqur o‘rgangan edi. Mutafakkir salaflari singari she’riyatda yuksak axloqiy poklikni targ‘ib etdi. Mutafakkirning «Mabdai-nur» va «Kimyo» asarlari axloqiy, ilmiy, tasavvufiy-falsafiy ahamiyatga ega bo‘lib, ular Mashrab dunyoqarashi mahsuli edi. Mashrab bu asarlarida o‘tmishdoshlari va ma’naviy ustozlari Hofiz va Navoiy, Lutfiy va Bobur ijtimoiy-siyosiy tasavvufidagi Nasimiyga xos axloqiy, estetik qarashlarni ham asarlarida targ‘ib etdi.

Aytish mumkinki, Mashrab tasavvuf axloqining jami ko‘rinishlarini o‘zida mujassam etgan, borlig‘ini Haq yo‘liga tikkan mutasavvif mutafakkir edi. Tasavvuf bu - soflik tariqatidir. Mashrab shu tariqatning XVII-XVIII asr O‘rta Osiyo va Yaqin Sharqdagi yirik vakili edi.

ADABIYOTLAR:

1. Sobirovich, T. B. (2023). Basic Criteria for Building the Third Renaissance in Uzbekistan. *Asian Journal of Applied Science and Technology (AJAST)*, *7*(1), 149-157.

2. Sobirovich T. B. National Revival and Development Idiosphere of Uzbekistan. – 2023.

3. Sobirovich T. B. Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals //Scientific Bulletin of Namangan State University. – №. 10. – С. 243-250.

INGLIZ TILIDA INSON TANA A’ZOLARI HARAKATINI IFODALOVCHI LEKSEMALARNING IZOHLI LUG‘ATLARDA BERILISHI

Avezova Nigora Safarovna

O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti katta o’qituvchisi

nigora.avezova.76@mail.ru

Annotatsiya: Ingliz tilida inson tana a’zolari harakatini ifodalovchi leksemalarning izohli lug‘atlarda berilishini o‘rganish uchun tadqiq obyekti sifatida ikki lug‘at – Vebster hamda Kembrij izohli lug‘atlari tanlandi. Ayrim so‘zlarning izohi har ikkala lug‘atdan olinib tahlil qilindi, ayrim so‘zlarga faqat bitta lug‘atdan misol keltirildi. Buning sababi shundaki, ba’zi so‘zlarning izohlanishida katta farq sezildi. Semalarini ajratib ko‘rsatishda deyarli farq sezilmagan so‘zlarning izohi bitta lug‘atdagi maqola misolida tahlil qilindi.

Tayanch so’zlar: izohli lug’at,tana a’zolari. ushlamoq, harakat vositasi, semalar, tutmoq,ma’no, ruhiy holat.

So‘zlarning izohini o‘rganishda o‘zbek lisoniy olamida tana a’zosi harakatini ifodalashi asos qilib olindi. O‘zbek tilida faqat tana a’zosi harakatini ifodalagan tushuncha ingliz tilida ko‘p ma’noli bo‘lishi yoki turli harakatlarni ifodalashi bilan farq qilgani kuzatildi. Quyida ba’zin birliklarni tahlil qilamiz.

O‘zbek tilidagi *ushlamoq* so‘zi ingliz tilidagi *catch, grasp, seize, clutch* kabi so‘zlar bilan ekvivalentlik hosil qilishi mumkin. Shunday bo‘lsa ham ingliz tilidagi mazkur so‘zlar harakat bilan birga uning holati, harakatning nima vositasida bajarilganligi kabi axborotni (ayni leksemada) tashiydi. Quyida ushbu so‘zning izohli lug‘atda berilishini kuzatamiz:

Catch$_1$

a: to capture or seize especially after pursuit – *catch* a thief

b: to take or entangle in or as if in a snare – *catch* fish in a net

c: DECEIVE

d: to discover unexpectedly**:** FIND – *caught* in the act

e: to check (oneself) suddenly or momentarily

f: to become suddenly aware of – *caught* me looking at him

Catch$_2$

a: to take hold of**:** SEIZE – He *caught* her by the arm as she tripped.

b: to affect suddenly – The announcement *caught* me by surprise.

c: to grasp and hold on to (something in motion) – *catch* a fly ball

d: to avail oneself of**:** TAKE – *caught* the first opportunity to leave

e: to obtain through effort**:** GET – *catch* a ride

f: to overtake unexpectedly – usually used in the passive – was *caught* in a storm

g: to get entangled – *catch* a sleeve on a nail

Catch$_3$

a: to become affected by: such as**:** CONTRACT – *catch* a cold

b: to respond sympathetically to the point of being imbued with – *catch* the spirit of an occasion

c: to be struck by – He *caught* a bullet in the leg.

d: to be subjected to**:** RECEIVE – *catch* hell

Izohlardan ko‘rinadiki, **catch** so‘zi 3 ta alohida ma’no ega bo‘lib, ularning har biri bir necha semalarga ega.Birinchi so‘zning ma’nosi ta’qibdan keyin qo‘lga olishni (*baliqniushlamoq, o‘g‘rini ushlamoq*) bildiradi. Keyingi semalari orasida *kutilmagandakashf etmoq, aldamoq, bexosdan tekshirmoq, to‘satdan xabardor bo‘lmoq* ma’nolari ifodalansa, ikkinchi bosh ma’no sifatida ajratilgan so‘zda *to‘satdan ta’sir qilmoq,harakat orqali olmoq, urib qolmoq, duchor bo‘lmoq* degan ma’noni ifodalaydi.

Bundan ma’lum bo‘ladiki, *catch*so‘zi qo‘l harakati bilan bog‘liq ma’noni bildiradi. Shuningdek, kontekstga qarab turli ma’no nozikliklarini, harakatning tarzini, harakatning qaysi obyekt ustida bajarilganligi ifodalanadi. Demak, bu so‘z o‘z ma’nosida tana a’zosi harakati, qo‘l bilan ta’sir etish, shu bilan birga, ruhiy holatni ifodalash ma’nosi anglashiladi.

O‘zbek tilidagi *ushlamoq, tutmoq* so‘zlariga ekvivalent bo‘ladigan ***grasp***so‘zi ikki izohli lug‘atda turlicha izohlanadi:

grasp (C1) to quickly take something in your hand(s) and hold it firmly	**grasp** *intransitive verb* **:** to make the motion of seizing **: CLUTCH***grasping* for support *transitive verb* **1:** to take or seize eagerly – *grasp* the opportunity for advancement **2:** to clasp or embrace especially with the fingers or arms – *grasped* the pen and began writing **3:** to lay hold of with the mind **: COMPREHEND** – failed to *grasp* the danger of the situation.

Kembrij lug‘atida *biror narsani tezda qo‘l(ingizga) olib, uni mahkam ushlamoq* degan ma’no ifodalansa, Vebster lug‘atida bu so‘zning bir necha ma’nolari: *egallab olish harakatini amalga oshirmoq, ishtiyoq bilan olmoq yoki tortib olmoq, barmoq/qo‘llar bilan qismoq yoki quchoqlamoq* degan ma’nolari ko‘rsatilgan. Demak, har ikki lug‘atda ham faqat qo‘l bilan bajariladigan harakat ko‘rsatib berilgan.

Seize (tutib olmoq) so‘zining ma’nolari V2 va S2 leksikonlarida turli xil bo‘lishi yoziladi:

B 2: to take something quickly and keep or hold it

C 2: to take using sudden force.

V2 leksikonida biror narsani tezda olish va uni ushlab turish (1) yoki ushlab turish (2); S2da to‘satdan kuch ishlatish degan ma’noni ifodalaydi.Izohlardan ma’lum bo‘ladiki, bu so‘z ham faqat inson tana a’zosi harakatini ifodalab keladi, boshqa turli harakatlarni ifodalamaydi.

C 2 daraja leksikonida qo‘llaniladigan **clutch** so‘zi izohli lug‘atda quyidagicha beriladi:

Clutch C 2 to takeor try to take hold of something tightly, usually in fear, worry, or pain.

Izohdan ko‘rinib turibdiki, ushbu so‘z, odatda, *qo‘rquv, tashvish yoki og‘riq bilan biror narsani mahkam ushlash yoki ushlashga harakat qilish* ma’nosida qo‘llanadi.

A2 leksikonida qo‘llaniluvchi **hold** so‘zi shunday izohlanadi:

Hold A2 to take and keep something in your hand or arms.

Mazkur so‘z *qo‘lda biror narsani olish va ushlab turish* ma’nosi bilan o‘ziga xoslik kasb etadi.

Ko‘rinadiki, o‘zbek tilidagi *ushlamoq* so‘zi ingliz tilida bir necha so‘z bilan ifodalanishi mumkin. Bu doim kontekst bilan bog‘liq ravishda amalga oshiriladi.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. https://www.merriam-webster.com/dictionary;

2. https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english

3. https://www.merriam-webster.com/dictionary/catch

4. https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/seize

5. Gafurov. I., Mouminov O., Qambarov N.M. Translation theory / / study guide for higher education institutions. - Tashkent: boaston of thought, 2012. – 280 b.;

6. Gofurovi., Mouminovo., QambarovN. Translatanazaria. - Tashkent: boaston of thought, 2012. – B.27.

7. Kholbekov M. Translation and translation criticism / / collection of articles. - Tashkent: Navruz, 2015. – 112 b.;

8. Sobirova, Zarnigor. "Чегараланган Лексиканинг Лингвистик Талқини." Центр Научных Публикаций (buxdu. uz) 10.10 (2022).

9. Sobirova Zarnigor Rakhimovna. (2022). The Historical Background of the Definition of Barbarism and its Occurrence in The Literary Texts.

10. Sobirova, Z. (2021). Definition Of Barbarism And History Of Occurrence. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 8(8).

11. Sobirova, Z. (2021). English Language Tourism Terms In Vocabulary And Semantical Revision. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 8(8).

12. Собирова, З. Р. Диалектизм Ҳодисаси Ва Унинг Инглиз Тили Шеваларида Қўлланилиши. Scientific Reports Of Bukhara State University, 87.

SEMIRAMIDA OSMA BOG’LARI

Hayotov Feruz Umidjonovich

Buxoro Davlat Universiteti Tarix va Yuridik fakulteti 3-bosqich talabasi

Annotatsiya: Afsonalarda aytilishi bo’yicha Qadim Mesopotamiyada malika Semiramidaga tegishli muhtasham osma bog’lar qad rostlab turgan. Ammo tarixchi olimlarning ko’plab tadqiqotlari natijasida ushbu bog’ prototiplari ko’payib borgan va ushbu osma bog’lar aynan qayerda va topilmalardan qaysi biri Semiramida bog’lari tegishli ekanligi tarixchilar orasida muammoga aylanib borgan. Ushbu maqolamizda bog’ haqida turli qarashlar va teoriyalar, shuningdek bog’ning prototiplari tarixi haqida ma’lumot beriladi.

Kalit so’zlar: Mesopotamiya, “osma bog’lar”, Bobil, Ossuriya, Nineviya, Navuxodonosor II, Iosif Flaviy, Diodor Sitsiliyskiy, Kvint Kursiy Ruf, Strabon, “Kremastoi kipoi tis Vavylonos”, Midiya, Amitis, Semiramida (Shammuramat), assiriologlar, Sinaxxerib, “Xudolar darvozalari”, R. Rollinger, Nin.

Abstract: According to legend, in ancient Mesopotamia, the magnificent hanging gardens belonging to the princess Semiramis were built. But historians have produced many prototypes of the garden, and exactly where these hanging gardens are located and which of the finds have become a problem among historians. This article provides information about different views and theories about the garden, the history of the prototypes of the garden.

Keywords: Mesopotamia, "hanging gardens", Babylon, Assyria, Nineveh, Nebuchadnezzar II, Josephus, Diodorus Sicilia, Quintus Curcius Rufus, Strabo, "Kremastoi kipoi tis Bavylonos", Media, Amitis, Semiramis (Shammuramat), Assyriologists, Sennacherib, "Gates of the Gods", R. Rollinger, Nin.

Sayyoramiz tarixida jahonda shunday sivilizatsiyalar vujudga kelganki, ularning aksariyati hozirgi zamondosh tarixchilar uchun sir bo’lib qolmoqda. Qadimgi davrlarda ixtiro qilingan ko’plab texnologiyalarning va ixtirolarning yasalish yo’li

yoki ularning qay tarzda ishlagani ko’pchilikni hayratga solmay qo’ymaydi. Ayniqsa, Mesopotamiya o’lkasi insoniyatning dastlabki sivilizatsiyasi deb tilga olinar ekan, bu yerda dastlabki yozuv, kutubxona, arxiv, yil, oy va kunlar hisobi, dastlabki jamoat maktablari, shuningdek sun’iy sug’orishning ilk shakllari vujudga kelgan. Mesopotamiya mavzusiga nazar tashlansa mashhur “osma bog’lar” terminiga duch kelmay iloj yo’q. Ushbu mavzuga murojaat qilinganda shunday savol tug’iladiki, osma bog’lar qayerda joylashgan edi? Tilda olinayotgan bog’ning joylashuvi haqida ikki xil qarash mavjud. Ulardan birinchisi, osma bog’lar Bobilda shoh Navuxodonosor II tomonidan, ikkinchi qarash bo’yicha esa bog’ning bunyod bunyod etilgan joyi Ossuriya podsholigi poytaxti Nineviya shahrida joylashganligi to’g’risida fikrlar yuritiladi. Keling, ushbu nazariyalarni tahlil qilamiz.

Bobil podsholigi Navuxodonosor II davrida podsholik iqtisodiy va madaniy jihatdan gullab yashnaydi. Bobil Qadimgi Sharqdagi aholisi ko’p shaharlardan biriga aylandi. Mazkur davrda (mil. avv. VII asr) Bobilda, Bibliyada tilga olingan “Bobil minorasi”, “Osma bog’” va boshqa inshootlar quriladi[7].

Bobildagi osma bog’lar to’g’risida yunon-rim tarixchilari Iosif Flaviy, Diodor Sitsiliyskiy, Kvint Kursiy Ruf, Strabon kabilar yozib qoldirgan. Yunon tilida “Kremastoi kipoi tis Vavylonos” sifatida yangraydi va o’zbek tiliga tarjima qilinganda “Bobilning osma bog’lari” degan ma’noni anglatadi[8].

Yunon-rim manbalari va afsonalariga ko’ra (Iosif Flaviy) Bobilni boshqargan Navuxodonosor II (mil. avv. 605-562) Ossuriya davlatiga qarshi ittifoqchi izlash maqsadida hozirgi Eron hududining shimoli-g’arbida joylashgan Midiya davlati yaqinlashish yo’llarini izlaydi. Bir vaqtlar Ossuriya davlatiga qaram bo’lgan, ayni damda hali hamon buyuk qudratga ega bo’lmagan Bobil uchun urush olib borish juda mushkul ish edi. Shuning uchun Navuxodonosor II Midiya podshohi bilan ittifoqni qarindoshchilik orqali: Midiya malikasi uylanish bilan tuzadi. Bobilga olib kelingan Amitis tog’li hududlar, sersuv zilol daryolar oqib turuvchi, qulay iqlimda o’sib ulg’ayganligi uchun keng sahro orasida qad rostlagan, yerlari unumdor bo’lsada

[7] Кабиров А. Қадимги Шарқ тарихи. -Т.: 2018. -Б. 171.
[8] Висячие сады Семирамиды. https://en.wikipedia.org/wiki/Hanging_Gardens_of_Babylon.

rangba-rang tabiiy go’zallikka ega bo’lmagan Bobilning sharoitiga o’rganishi qiyin kechadi. U o’zining vatanini qo’msay boshlaydi. Shuning uchun Navuxodonosor o’z ayolining ko’ngliga xush keluvchi, hamda vatanini eslatib turuvchi go’zal bog’ qurdirishga qaror qiladi. Shu tariqa ko’p yarusli ulkan, ustma-ust qurilgan xushmanzara bog’ qad rostlaydi.

Bog’ning yuqori qavatlarini suv bilan ta’minlash maqsadida maxsus moslamalar orqali suv tepaga ko’tarib turilgan. Qurilmalarni harakatga keltirish uchun chorva hayvonlar mehnatidan foydalanilgan. E’tiborli jihati shundaki, osma bog’larning asosiy elementi faqat bog’ va undagi daraxtlar emas, balki ko’ngilochar oromgohlar, favvoralar va basseynlari bilan nom qozongan. Afsuski, bog’ haqida anchagina fikrlar keltirilsada, uning aynan shaharning yoki shahardan tashqari joyning qayerida joylashganligi haqida aniq ma’lumotlar mavjud emas[9].

Bog’ haqidagi boshqa teoriyalarni kuzatadigan bo’lsak, yunon tarixchilari tilga olgan mashhur bog’ Ossuriyada joylashgan. Balki, Ossuriya malikasi Semiramida (Shammuramat) nomi ham o’lka bilan bog’liq bo’lishi mumkin. Birinchidan, yuqorida ta’kidlanganidek, Bobil hududidan osma bog’lar o’rnashgan joy topilmagani, ikkinchidan Bobilning birorta yozma manbasi bu haqidagi ma’lumotlarni tasdiqlamasligini nazarda tutib uning Bobilda joylashmagani haqidagi fikrlarni ilgari surishadi. Shuningdek, assiriolog olim R. Rollinger bobillik astrolog Berosning osma bog’lar haqidagi keltirgan ma’lumotlarini esa qolgan assiriolog olimlar singari bog’ mavjud bo’lmagan bo’lib, u faqatgina siyosiy bosim yoki sabablar tufayli yozib qoldirilgan deb hisoblashadi[10].

Ammo, assiriologlar bog’ni Ossuriya hududida joylashganligini garchi ta’kidlashsada, bog’ qurilishi Semiramidaning nomi bilan bog’liqligi haqidagi ma’lumotlardan chekinishadi. Chunki, bunda bir qancha chalkash holatlar mavjud bo’lib, bu yunon tarixchilarining bog’ haqidagi ularning o’z ko’zlari bilan ko’rmaganligi va unga yetarlicha izoh bermaganligi bog’liqdir. Shu jumladan, agar, Iosif Flaviy Navuxodonosor II ning bog’ni Amitis sharafiga qurdirgan desa, qolgan

[9] Раскрытия тайн Вавилона. https://www.youtube.com/watch?v=Y8Q_p3MWCIk&pp=ygUs0KDQsNGB0LrRgNGL0YLQuNGPINGC0LDQudC9INCS0LDQstC40LvQvtC90LA%3D

[10] Висячие сады Семирамиды. https://en.wikipedia.org/wiki/Hanging_Gardens_of_Babylon.

yunon tarixchilari bog’ qurilishini Semiramida nomi bilan bog’lab turib, uni yunonlashtirgan va buyuk yunon afsonaviy podshohi Ninning xotini sifatida talqin qilishadi. Aslida Semiramida obrazi Yangi Ossuriya podsholigi davrida 812-803-yillarda mamlakat taxtini boshqargan ayol hukmdor shaxsidan yunon mifologiyasiga o’zlashtirilgan. Yakka holatda ayol kishi butun boshli mamlakatni boshqarishi esa qadimgi sharq uchun juda kam uchraydigan holatlardan biri hisoblanadi[11].

Yunon manbalari orasida Semiramida bog’larining goh Bobilda, goh esa Ossuriyada deb talqin qilinishiga sabab shu bo’lganki, yunon tarixchilari Nineviya shahrini ba’zan Bobil nomi bilan tilga olishgan. Ossuriya podshosi Sinaxxerib (mil. avv. VIII) hukmronligi davrida mil. avv. 690-yilda Bobilga qo’shin tortib, mil. avv. 680-yilda uni taslim qilgach[12], shaharning ulug’vorligidan ilhomlanib Nineviya shahrini ham “Xudolar darvozalari”, “xudolar shahri” deb nomlaydi. Xuddi shunday Sinaxxerib Nineviyaning har bir darvozasiga xudolar nomini berib chiqadi. Aynan shu holat yunon tarixchilarining Nineviyani Bobil sifatida talqin qilishiga sabab bo’la olishi mumkin, chunki ikki shaharga bir xil ta’rif berilganidek, nomlanishi ham yunon tiliga tarjima qilinganda “Vavilon” deb tarjima qilinadi.

Osma bog’larning qayerdaligi haqidagi fikrga to’xtalmay turib ham Ossuriyada anchagina shu xildagi bog’ turlarining mavjud bo’lganligi haqida so’zlash mumkin. Shuningdek, ushbu fikrlarni ossur yozma manbalari tasdiqlaydi. Ikkinchidan, Nineviya shahri yaqinidan topilgan sopol quvurlarining topilishini[13] dalil sifatida keltirishimiz mumkin.

Keyingi o’rinlarda aytib o’tish joizki, kritikalarga qaramay, Osma bog’lar Bobilda mavjud bo’lmagan ekan degan xulosa kelib chiqmasligi kerak. Chunki, osma bog’lar qurilishi aynan yagona hududga xos bo’lmay, ko’plab Old Osiyo shaharlari uchun urf hisoblangan. Bundan kelib chiqadiki, shu turdagi inshootlar faqatgina Bobil yoki Nineviyada emas, balki Mesopotamiyaning ko’plab shaharlarida mavjud bo’lgan. Garchi shunday bo’lsa ham, Qadimgi dunyoning yetti mo’jizalari qatoriga

[11]https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%B5%D0%BC%D0%B8%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%B8%D0%B4%D0%B0

[12] Кабиров А. Қадимги Шарқ тарихи. -Т.: 2018. -Б. 169.

[13] Раскрытия тайн Вавилона. https://www.youtube.com/watch?v-=Y8Q_p3MWCIk&pp=ygUs0KDQsNGB0LrRgNGL0YLQuNGPINGC0LDQudC9INCS0LDQstC40LvQvtC90LA%3D

kiritilgan Semiramida osma bog’lari aynan ushbu shaharlarning qaysi birida joylashganligi, umuman olganda esa haqiqatan mavjud bo’lganmi? degan savollar zamonaviy tarix sohasi tadqiqotchilarini qiziqtirgan muammoli va bahsli mavzularidan hisoblanadi. Ushbu muammlo holat esa tarixiy masalani o’rganishda ko’proq tadqiqot ishlarini amalga oshirishni talab qilib kelmoqda.

O‘ZBEK TILIDAGI POSTMODIFIKATSIYALI STRUKTURALARNING PRAGMALINGVISTIK XUSUSIYATLARI

Uzoqova Shaxnoza Soibnazarovna
Jizzax davlat pedagogika universiteti tayanch doktoranti
shakhnozauzokova@gmail.com

Annotatsiya. Modifikatsiya selektiv jarayon bo‘lar ekan, ko‘p narsa, so‘zlovchiga, uning pragmatik va lingvokul'turologik xarakteristikasiga bog‘liq bo‘ladi. Ushbu maqolada hokim so‘zdan keyin qo‘llaniladigan tobe so‘z pozitsiyasida keladigan postmodifikatsiyali strukturalarning pragmalingvistik xususiyatlari o‘zbek badiiy diskursidan olingan misollar orqali ochib berilgan. Postmodifikasiyali strukturalarning mazmunan xar xil munosabatda bo‘lishi mumkinligini ko’rsatuvchi ayrim misollar keltirilgan.

Kalit so’zlar: modifikatsiya, postmodifikatsiya, postmodifikatsiyali strukturalar, semantic aloqa, pragmalingvistik xususiyat.

Postmodifikatsiyali strukturalar murakkab tarkibga ega bo‘lgan gaplardir. “Postmodifikasiyali strukturalar” deyilgan shartli nomdan ham anglshiladiki, bunday strukturalarning tarkibi yaxlit va bir butun emas. Postmodifikasiyali strukturalarda tugal bir fikr anglatish xarakteriga ega bo‘lgan sintaktik gruppa yoki umuman gruppalar o‘zlariga mazmun tomondan aloqador bo‘lgan ayrim qism yoki qismlarni ergashtirib keladi.[1;7]

Boshqacha qilib aytganda, ma'lum sintaktik gruppalar, bu gruppalar sodda gap shakli bo‘lishidan qat'iy nazar, o‘zida ifoda qilingan mazmunga postmodifikatsiya usuli yordamida biriktirilgan bo‘ladi.[2;144, 5;280] Natijada bir umumiy fikrni anglatadigan tarqoq “masofaviy” (discontinious) aloqalar yuzaga keladi. [4;90]

Postmodifikatsiyali strukturalarning umumiy ko‘rinishi va ayrim xususiyatlari haqida tasavvurga ega bo‘lish uchun, ularning asosiy tiplaridan bir necha namunalar keltiramiz.

Bu yigit aqlli ko‘rinadi, ham ulug‘vor, vazmin yigit.

(Oybek. Oltin vodiydan shabadalar, 286 b.)

So‘zlovchi “*Bu yigit aqlli ko‘rinadi*” gapi orqali o‘z fikrini tugal anglata olgan. Lekin uning nazarida tilga olingan shaxsning yolg‘iz bir belgisini – uning aqlliligini qayd etib o‘tish yetarli emas. Shuning uchun ham u bu o‘rinda “*yigit*”ning “*aqlli*”ligiga uning “*ulug‘vorligi*” va “*vazminligi*” sifatlarini ham postmodifikatsiya yo‘li bilan qo‘shiladi.

Sham o‘chdi. Tong yorug‘ida cholning bo‘zga mukka tushgan oppoq yuzi ko‘rindi. Oppoq....

(T.Malik. Shaytanat, 270 bet)

Postfodikatsiyali struktura (*Oppoq..)* bu yerda so‘zlovchi nutqining ahamiyatli qismini alohida ta'kidlab ko‘rsatishga xizmat qilayapti.

Quyidagi postmodifikatsiyali strukturalarning asosiy qismlariga ko‘ra, mazmunan qanday munosabatda bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatuvchi ayrim misollarni keltiramiz.

1. Postmodifikatsiyali strukturalarning mazmuni yetakchi qismlar orqali bayon qilingan fikrga teng bo‘lishi, voqea-hodisa yoki shaxs xarakteristikasiga doir mulohazalarni umumlashtirib ko‘rsatilishi mumkin.

Teshaboyga to‘qqiz jon qarar, olti bolasi bor. Ayolmand.

(A.Obidjon, Oddiy ayriliq. 29 bet)

U harqachongiday meni ardoqlaydi, hurmat qiladi. Chin mehribon.

(O.Sobirova, Hazil emish,134 b)

2. Postmodifikatsiyali strukturalarning oldingi fikrni turli jihatdan ifodalashi, uni to‘ldiruvchi qo‘shimchadan iborat bo‘lishi ham mumkin.

Mirzakarimboy qo‘llari bilan soqolini yengilgina siypab, marhumga fotiha o‘qigan bo‘ldi: - Boyaqish ko‘p yaxshi odam edi; insofli, hamiyatli edi.

(Oybek, Qutlug‘ qon, 34 b)

Mana do‘stim, Sizga xabar berishga keldim. Qidirdim.

(Oybek, Oltin vodiydan shabadalar, 129 b)

3.Postmodifikatsiyali strukturalar orqali so‘zlovchining kishi xarakteristikasiga yoki voqea-hodisa tafsilotiga oid sub'ektiv mulohazalari ifoda qilinadi.

Siz yalinasiz, ammo akangiz yalinmaydi, bulardan o‘chini oladi. Yaxshi bilaman buni.

(Oybek, Qutlug‘ qon, 23b)

Bayt yozadiganlar osmonga qara-ab, o‘yla-ab, ichidan ashula chiqaraverar ekan. Mana roman kitob yozadiganlar odamlar nima qilsa, shuni yozadi. Juda qiziq!

(A.Muxtor, Chinor, 106 bet)

4. Postmodifikatsiyali strukturalar orqali so‘zlovchi o‘zining biror ish harakatning bajarilishiga bo‘lgan ishonchi, sharti singarilarni ham anglatadi.[5;276] Masalan:

Ana shu azim cho‘lni uyg‘otish, uning tomirlariga qon berish, tanasiga jon kiritish kerak, toki u qaddini roslab, “Men xizmatingizdaman” desin. Shunday deydi ham.

(S.Ahmad, Qirq besh kun, 88 b)

Ko‘kbuloqni topa olmasak bormi, butun tog‘ni portlatamiz-da, suvga yo‘l ochamiz! Bu muqarrar.

(Sh.Rashidov, Qudratli to‘lqin, 163 b)

5. Postmodifikatsiyali strukturaning mazmuni avvalgi qismda aytilgan fikrining davrini, uning ob'ekti, manbaini ko‘rsatishi mumkin:

Dadang bizga eski qadrdon. U kelganda sen chaqaloqmiding, yo onang qornidamiding. Ko‘p zamon o‘tdi.

(Oybek, Qutlug‘ qon, 14 b)

Niyozmat hojining katta qarollaridan biri boshqa yana bir uch yoshlardagi Mannon nomli xizmatkori ham bor edi. U yetim emas. Buni Sarimsoq o‘zidan eshitgan.

(A.Qahhor, O‘tmishdan ertaklar, 74 b)

Bu misollarning birinchisida postmodifikatsiyali struktura orqali payt, zamon, mazmuni, keyingisida esa aytilgan fikrning asosi, uning manbaiga ishora qilinayotir.

6. Postmodifikatsiyali struktura so‘zlovchi tomonidan oldingi qismlarda eslatib o‘tilgan biror fikrni takrorlash orqali uni kuchaytirishga va haqiqatdan ham shunday bo‘lgani yoki bo‘lajagini qat'iy suratda ta'kidlab ko‘rsatishga xizmat qiladi. Masalan:

Sarguzasht bilan ishingiz yo‘q dedim, rostdan ham ishingiz yo‘q.

(A.Qahhor, O‘tmishdan ertaklar, 104 b)

O‘ziga ham qiyin, menga ham qiyin. Qiyin, juda, juda qiyin.

(A.Qahhor, O‘tmishdan ertaklar)

O‘zim uchun emas, Siz uchun yig‘layman, onajon, siz uchun.

(H.Hakimzoda. Boy ila xizmatkor, 25 b)

Aloqador qismlarning o‘zaro semantik munosabatlariga qarab turib, postmodifikatsiyali strukturalarni yana juda ko‘p turlarga ajratish mumkin.[3;17]

Demak, modifikatsiyali strukturalar zaruriy ifoda vositasidir. Faqat til orqaligina fikrlarimiz boshqa odamlarga yetib borishi, tushunarli bo‘lishi mumkin ekan, demak modifikasiyaning yordamisiz borliq haqida to‘liq tasavvurga ega bo‘lmaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduraxmonov G‘. O‘zbek tili grammatikasi. Sintaksis. Toshkent, 1996.

2. Bushuy A.M. Yazik i deystvitel'nost'. – Tashkent, Fan, 2005.

3. Nurmonov A, Mahmudov N. O‘zbek tilining mazmuniy sintaksisi. Toshkent, 2007.

4. Raxmatullaev Sh. O‘zbek tilida tobe bog‘lanish turlari. Toshkent.

5. Safarov Sh. Pragmalingvistika. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2008.

TA’LIM PSIXOLOGIYASI

Ergasheva Madina

Abdulla Avloniy nomidagi milliy-tadqiqot instituti xodimi

Annotatsiya: Ushbu maqolada ta'lim psixologiyasi sohasida qabul qilingan ba'zi turli nuqtai nazarlar, pedagogik psixologlar o'rganadigan mavzular va ushbu sohadagi tajriba sinovlari muhokama qilinadi.

Kalit so‘zlar: Strategiya, erta bolalik, ong, ko‘nikma, kognitiv rivojlanish, konstruktiv yondashuv, tanqid.

Ta'lim psixologiyasi odamlarning qanday o'rganishini o'qitish usullari, o'qitish jarayonlari va o'rganishdagi individual farqlarni o‘rganadi. U ta'lim jarayoniga kognitiv, xulq-atvor, hissiy va ijtimoiy ta'sirlarni o'rganadi. Ta'lim psixologlari odamlarning ta'lim strategiyalarini ishlab chiqish va o'quvchilarning maktabda muvaffaqiyat qozonishlariga yordam berishni o'rganishlari haqidagi bu tushunchadan foydalanadilar.[3. B.122]

Ta'lim psixologiyasi sohasi rivojlanish psixologiyasi, xulq-atvor psixologiyasi va kognitiv psixologiya kabi bir qator boshqa fanlarni o'z ichiga oladi. Pedagogik psixologiyaga yondashuvlar xulq-atvor, rivojlanish, kognitiv, konstruktivistik va eksperimental istiqbollarni o'z ichiga oladi. [2. B.95]

Pedagogik psixologiyaning istiqbollari

Psixologiyaning boshqa sohalarida bo'lgani kabi, ta'lim psixologiyasidagi tadqiqotchilar muammoni ko'rib chiqishda turli nuqtai nazardan foydalanadilar. Bu istiqbollar o‘rganishga ta’sir etuvchi o‘ziga xos omillarga, jumladan, o‘rganilgan xulq-atvor, idrok, tajriba va boshqalarga qaratilgan.

Xulq-atvor nuqtai nazari

Bu nuqtai nazar barcha xatti-harakatlar konditsionerlik orqali o'rganilganligini ko'rsatadi. Bunday nuqtai nazarga ega bo'lgan psixologlar o'rganish qanday sodir bo'lishini tushuntirish uchun operant konditsionerlik tamoyillariga qat'iy tayanadilar.

Misol uchun, o'qituvchilar o'quvchilarga shirinliklar yoki o'yinchoqlar kabi kerakli narsalarga almashtirilishi mumkin bo'lgan tokenlar berish orqali o'rganishni mukofotlashlari mumkin. Xulq-atvor nuqtai nazari o'quvchilar "yaxshi" xatti-harakatlari uchun mukofotlanganda va "yomon" xatti-harakatlari uchun jazolanganda o'rganishlari haqidagi nazariyaga asoslanadi. Bunday usullar ba'zi hollarda foydali bo'lishi mumkin bo'lsa-da, xulq-atvor yondashuvi munosabat, his-tuyg'ular va o'rganish uchun ichki motivatsiyalarni hisobga olmaslik uchun tanqid qilingan.

Rivojlanish istiqboli

Bu nuqtai nazar bolalarning rivojlanish jarayonida yangi ko'nikma va bilimlarni qanday egallashiga e'tibor qaratadi.

Jan Piagetning kognitiv rivojlanish bosqichlari bolalarning intellektual rivojlanishiga qaraydigan muhim rivojlanish nazariyasiga misoldir. [6. B.133]

Rivojlanishning turli bosqichlarida bolalar qanday fikr yuritishini tushunib, pedagogik psixologlar o'sishning har bir bosqichida bolalar nimaga qodirligini yaxshiroq tushunishlari mumkin. Bu o'qituvchilarga ma'lum yosh guruhlariga mo'ljallangan o'quv usullari va materiallarini yaratishga yordam beradi.

Kognitiv nuqtai nazar

Kognitiv psixologiya odamlarning ma'lumotni qanday o'ylashi, o'rganishi, eslashi va qayta ishlashini tushunishga qaratilgan. Kognitiv nuqtai nazarga ega bo'lgan ta'lim psixologlari boshqa mavzular qatori bolalarning o'rganishga qanday rag'batlanayotganini, o'rgangan narsalarni qanday eslab qolishlarini va muammolarni qanday hal qilishlarini tushunishga qiziqishadi.[5. B.197]

Konstruktiv yondashuv

Bu nuqtai nazar biz dunyo haqidagi bilimlarimizni qanday faol ravishda qurishimizga e'tibor qaratadi. Konstruktivizm qanday o'rganishimizga ta'sir qiluvchi ijtimoiy va madaniy ta'sirlarni hisobga oladi.

Konstruktivistik yondashuvni qo'llaydiganlar, insonning allaqachon bilgan narsasi yangi ma'lumotni qanday o'rganishiga eng katta ta'sir qiladi, deb hisoblashadi. Bu shuni anglatadiki, yangi bilimlarni faqat mavjud bilimlar nuqtai nazaridan qo'shish va tushunish mumkin.[1. B.35]

Ushbu istiqbolga psixolog Lev Vygotskiyning ishi katta ta'sir ko'rsatdi, u proksimal rivojlanish zonasi va o'quv iskala kabi g'oyalarni taklif qildi.

Tajribali nuqtai nazar

Bu nuqtai nazar insonning yangi ma’lumotni qanday tushunishiga uning hayotiy tajribasi ta’sir qilishini ta’kidlaydi.6 Bu usul konstruktivistik va kognitiv nuqtai nazarga o‘xshaydi, chunki u o‘quvchining tajribasi, fikr va his-tuyg‘ularini hisobga oladi.[4.B.41]

Bu usul kimgadir ma'lumot ularga tegishli emasligini his qilish o'rniga o'rgangan narsalarida shaxsiy ma'no topishga imkon beradi.

Xulosa

Inson xulq-atvoriga turlicha qarashlar ta'lim psixologiyasi sohasidagi mavzularni ko'rib chiqishda foydali bo'lishi mumkin. Ulardan ba'zilari xulq-atvor nuqtai nazarini, konstruktivistik yondashuvni va tajribaviy istiqbolni o'z ichiga oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Abdusattorov. “Psixologiya fani nazariyasi” Sharq 2016
2. A.Yerstifirov. “Psixologik ong” Toshkent 2000
3. R.V.Gulyamov. “Ahloqiy psixologiya” Toshkent 2001.
4. S.Ismoilova. “Psixologik texnologiya” O‘zbekiston 1994
5. V.Vohidov. “Texnik qobiliyatlar psixologiyasi” Toshkent 2008
6. Jan Piaget. “Social psychology” Amsterdam 1999

SO‘NGGI XORAZMSHOHLAR HUKMDORLARI DIPLOMATIK MUNOSABATLARI XUSUSIDA BA’ZI MULOHAZALAR

Nurullayeva Kuvonch Xudayberdiyevna

Urganch Davlat Universiteti Tarix fakulteti 2-bosqich magistranti

Maqolaning qisqacha mazmuni: Hozirgi kunda Jaloliddin Manguberdining qo’shni davlatlar bilan siyosiy munosabatlari masalasida uning noshud siyosatchi bo’lganligi ta’kidlanadi. Shu jihatdan olganda mazkur maqola Jaloliddin Manguberdining Yaqin Sharq va Kavkazorti davlatlari bilan siyosiy munosabatlari muammosiga bag’ishlangan. Bu muammoni o’rganish zaruriyati shundan iboratki, aynan bu masala yechimi ham Jaloliddin Manguberdining mo’g’ullardan yengilishi muammosining yechimlaridan biri hisoblanadi. Shundan kelib chiqib, mazkur maqolada muammo yangicha qarashlar va yondashuvlar asosida tahlil qilishga harakat qilingan.

Kalit so‘zlar: Jaloliddin Manguberdi, Nasaviy, V.V. Bartold, Z.M. Buniyodov, Ibn al-Asir, Ibn Vosil, Juvayniy, Rashididdin, Sibt ibn al – Javziy, Mirxond, Xondamir, Kirakos Gandzekatsi, Stepanos, Sebastatsi, “Xronograf”, “Kartlis Sxovreba”, Alouddin Qayqubod, Qo‘niyo, Rusudana, Gruziya.

O‘z davrining buyuk davlatlaridan biri bo’lgan Xorazmshoh – Anushteginiylar davlatining elchilik aloqalari tarixi yozma manbalarda yetarlicha yoritilgan bo’lsada, Xorazm davlatchiligi tarixining eng kam o’rganilgan sahifalaridan biri bo’lib, bu mavzuga bag’ishlangan alohida maxsus tadqiqotlar yo’q. Jumladan, Xorazmshoh – Anushtaginiylar davlati tarixiga bag’ishlangan ko’pchilik tadqiqotlarda sulola vakillarining tashqi siyosat sohasidagi faoliyati faqat davlat mustaqilligi uchun va qolaversa tashqi bosqinchilik urushlari doirasidagina yoritilgan bo’lib, diplomatik munosabatlarning asl mazmuni diplomatiya nuqtai – nazaridan baho berilmagan. Ayniqsa, mo’g’ullar bosqini arafasida Xorazmshoh Muhammadning dastlab Chingizxon davlati bilan diplomatik munosabatlari, keyinchalik esa dushmanga

qarshi qo’llagan harbiy-strategik rejasi umuman xato siyosat bo’lgani haqidagi qarashlar haligacha hukmron bo’lib, bu masala chuqur ilmiy tahlil qilinmagan. Umuman bu borada tan olish kerakki, hozirgacha tarix fanida mazkur masala bo’yicha mashhur rus sharqshunos olimi V.V. Bartoldning qarashlari hukmron bo’lib, tadqiqotchi, Chingizxonning o’z davrining eng mohir diplomati, Muhammad Xorazmshoh yoki Jaloliddin Manguberdilarning esa noshud siyosatchi bo’lganligi borasidagi fikrlari doirasidan haligacha chiqib ketilmagan. Shu jihatdan olganda mazkur maqolada, Xorazmshoh-Anushteginiylar sulolasi hukmdorlari, ayniqsa Muhammad Xorazmshoh va Jaloladdin Manguberdining olib borgan diplomatik munosabatlari ilmiy jihatdan tahlil qilishga harakat qilingan.

Xorazmshohlar davlatining qudrati sultonlar Takash(1172-1200) va Muhammad(1200-1220) davrida gullab-yashnadi. XIII asr boshlarida Xorazmshohlar davlati, Hindistondan to Onado’ligacha bo’lgan ulkan hududni egallagan bo’lib, bu davrda u eng yirik musulmon davlatlaridan biri edi. Uning poytaxti Gurganj (Urganch) shahri bo’lgan. Ammo, 1220-yilga kelib, Xorazmshohlar davlati Chingizxon boshchiligidagi mo’g’ul bosqinchilari hujumiga dosh berolmay yengiladi. So’nggi Xorazmshoh Jaloladin Manguberdi mo’g’ullarga qarshi kuchli qarshilik ko’rsatgan va bir qator janglarda mo’g’ul askarlarini yakson qilishga ham erishgan. Mo’g’ullar qo’lga kiritgan ulkan hudud bo’lib olinganidan so’ng, Xorazm Oltin O’rdadagi Jo’chi ulusining tarkibiga kirgan.

Sarhadlarimizda vujudga kelgan va faoliyat ko’rsatgan davlatlar hukmdorlari tomonidan amalga oshirilib kelingan diplomatik munosabatlar qadim zamonlardan boshlaboq “elchilik aloqalari” deb yuritib kelingan. Bu tushuncha uzoq o’tmishga egadir. O’zbek elchilik munosabatlarining ma’naviy asoslari haqida gap ketar ekan, uning dastlabki ildizlarini Movarounnahr davlatchiligining ilk yozma manbasi “Avesto”dan qidirish lozim bo’ladi. Bundan uch ming yil ilgari Amu va Sir daryolari havzasida vujudga kelgan va yuksak sug’orma dehqonchilikka asoslangan qadimgi turkiy sivilizatsiyasidan mujda beruvchi ushbu muqaddas kitobda boshqa ellar bilan muloqot masalalarining asl ma’naviy mohiyatlari-erk, o’zaro tenglik va vatanparvarlik kabi qadriyatlarga taalluqli tushunchalar o’z ifodasini topgan. Qadimiy

turkiy atamalarni sinchkovlik bilan to’plab, ular yuzasidan keng ko’lamli izlanishlar olib borgan taniqli turkshunos-lug’atshunos L.Z.Budagovning ta’kidlashicha, “elchi” atamasi aslida “el”, ya’ni xalq, qabila, jamoa so’zidan kelib chiqqan bo’lishi mumkin. Ayni vaqtda L.Z.Budagov “elchi” atamasi turkiy davlatlarning o’zaro munosabatlarida qadimdan qo’llanilib kelingan “yalavach” atamasi bilan bog’liq bo’lishi mumkinligiga e’tiborni tortadi. Bunda u mazkur iboraning “elchi” ma’nosida ishlatilib kelinganligini isboti uchun “Muhammad payg’ambar Xudoning yalavachi”, degan kalimani keltiradi. Ammo “yalavach” so’zining “elchi” ma’nosida o’z vaqtida keng qo’llanilgani tarixdan ma’lum. Buning uchun Xorazmshohlar-anushteginlar (1097-1231) davrida faoliyat ko’rsatgan elchilarning “yalavach” deb atalganini, mo’g’ullar istilosi arafasida va undan keyingi siyosiy voqealarda muhim o’rin tutgan Mahmud Yalavach faoliyatini eslatib o’tish kifoya qiladi. Diplomatiyaga oid masalalar saljuqiylar imperiyasidan ajralib chiqqan Xorazmshohlar-anushteginlar saltanatiga bag’ishlangan qator tarixiy manbalarda ham u yoki bu tarzda o’z ifodasini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, со вклю-чением употребительнейших слов арабских и персидских. и с переводом на русский язык: Том 1.– М.: Книга по Требованию, 2021. – С. 206.

2. Ртвеладзе Э.В. Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши. – Т.: Санъат журнали нашриёти, 2009. – Б. 31.

3. Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёқубов таржимаси./ – Т.:: O’zbekiston, 2006. – 384 б.

VALI QAYUMKHAN IS THE FOUNDER OF THE TURKESTAN LEGION

Zokhidjon Kholdorov Valijon ugli

Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Annotation: This article provides information about Vali Qayumkhan, one of the founders of the Turkestan Legion. During World War II, Vali Qayumkhan was the head of the Turkestan National Unity Committee.

Keywords: Abdurauf Fitrat, Mustafa Chokai, Vali Qayumkhan, Turkestan Legion, Turkestan National Unity Committee.

There is almost no information about Vali Qayumkhan, one of the leaders of the Turkestan Legion, in our history books. This person was a student of Abdurauf Fitrat and studied in Germany. However, due to the evil policies of the Soviet government against students who studied abroad, Vali Qayumkhan did not return to Turkestan. He formed the Turkestan Legion from Turkestan prisoners of war captured in the Second World War and waged a war against the Soviet state to liberate Turkestan. Vali Qayumkhan lived in Germany until the end of his life.

Vali Qayumkhan was born on July 15, 1904 in the family of a knife maker in Tashkent[14]. His father, Qayum Olimkhan, was also engaged in trade and supported his children's education based on the modern sciences. For this reason, Vali Qaumkhan received his primary education in one of the modern schools in Tashkent [15]. Later, he went to study in Berlin with the support of Abdurauf Fitrat and Fayzulla Khojayev in 1922. Vali Qayumkhan remembers Abdurauf Fitrat who took him to Samarkand before going to Berlin: "*He wanted to take me to Bukhara. But before going there, I knelt down in front of the great Khan Amir Temur's mausoleum which is located in Samarkand and promised to fight for the destiny of the nation. Tears came out of my eyes. I shook hands with him and swore. When you go to Europe, you*

[14] Sevgi Barit. Türkistanli Veli Kayum-han (1904-1993) hayati ve fikirleri (yüksek lisans tezi). – Istanbul. 2018. – S. 7.
[15] Ражабов Қ. Вали Қаюмхон// "Турон тарихи". 2014. № 2 – 3. 15-бет.

won't come back here until you complete all the missions, he said, "there's no way for you on this side”[16]. Also, Abdurauf Fitrat told Vali Qayumkhan that he does not have to return to his homeland until he acquires the knowledge that serve the development of Turkestan from Germany. Vali Qayumkhan studied at the Faculty of Agriculture of the University of Berlin and graduated in 1925[17]. After completing his studies, Vali Qayumkhan did not return to Turkestan. The main reason for this was the repression of young people who studied in foreign countries such as Germany and Turkey. For example, Sattar Jabbor, one of Vali Qayumkhan's close friends, returned to his homeland in 1931 and taught chemistry and physics at the university in Tashkent[18]. However, in 1937, Sattar Jabbar was accused of “nationalism” and “espionage” and sentenced to death.

During the Second World War, thousands of Soviet soldiers were captured by Germany and kept in concentration camps. There were thousands of Turkestans among them. Vali Qayumkhan and Mustafa Chokai created the idea of forming the Turkestan Legion from Turkestan prisoners of war. However, after the early death of Mustafa Chokai, Vali Qayumkhan himself completed the creation of the Turkestan Legion. Vali Qayumkhan helped the Turkestan prisoners of war who were in difficult conditions. On January 13, 1942, the Turkestan Legion was officially founded under the leadership of Vali Qayumkhan[19]. Also, the Turkestan National Unity Committee was established in order to politically manage the Turkestan Legion. Vali Qayumkhan became the president of the Turkestan National Unity Committee.

A number of magazines and newspapers are published under the editorship of Vali Qayumkhan. Including, the magazine “National Turkestan” was published in 1942. Articles against the colonial policy of the Soviet state in Turkestan were published in this magazine. Most of these articles were written by Vali Qayumkhan. Vali Qayumkhan continued to publish this magazine even after the war.

---

[16] Вали Қаюмхон. Миллат тақдири учун курашаман (Музаффар Асадуллаев билан суҳбат)// “Мулоқот” журнали, 1992. № 1. 35-бет.
[17] Nurgül Uzunel. Avrupa muhaceretindeki Türkistan basini: Milli Türkistan dergisi (1942-1975) (Yüksek lisans tezi). – Istanbul. 2012. – S. 16.
[18] Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1992. № 17. 8-бет.
[19] Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the world war II (1941-1945) (a master‟s thesis). – Ankara. 2010. – S. 90.

The Congress of the Turkestan National Unity Committee was held in Vienna on June 8-10, in 1944[20]. The opening of this congress began with the speech of Vali Qayumkhan[21]. In his speech, Vali Qayumkhan said that the Turkestan National Unity Committee operated as an independent organization and worked only for the independence of Turkestan.

After the end of the war, Vali Qayumkhan was declared innocent at the trial of Nazi criminals in Nuremberg and was released in July 1947 after serving two years in prison[22]. He lived in Germany until the end of his life. In 1986, he wrote the book “Tarix tilga kirganda” in Munich. This book tells about the difficult life of Turkestans during the Second World War. He was granted immunity by the UN. However, the Soviet state declared Vali Qayumkhan as a traitor. Soviet spies even tried to assassinate Vali Qayumkhan in his home. However, this assassination was prevented by the German police[23]. Vali Qayumkhan continued the anti-Bolshevism policy until the end of his life. Vali Qayumkhan died on August 13, in 1993 in Dusseldorf.

In conclusion, it can be said that Vali Qayumkhan fought against the Soviet state until the end of his life. During the Second World War, he saved the lives of thousands of Turkestan prisoners of war. He played an important role in the formation of the Turkestan Legion consisting of Turkestan prisoners. He created a number of works on the history of Turkestan.

References.

1. Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1992. № 17. 8-бет.

2. Вали Қаюмхон. Миллат тақдири учун курашаман (Музаффар Асадуллаев билан суҳбат)// “Мулоқот” журнали, 1992. № 1. 35-бет.

3. Ражабов Қ. Вали Қаюмхон// “Турон тарихи”. 2014. № 2 – 3. 15-бет.

[20] Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар) 2-китоб 1939 – 1991 йиллар, масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р. Раҳимов М. Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – Б. 59.

[21] Sevgi Barit. Türkistanli Veli Kayum-han (1904-1993) hayati ve fikirleri (yüksek lisans tezi). – Istanbul. 2018. – S. 37.

[22] Ражабов Қ. Вали Қаюмхон// “Турон тарихи”. 2014. № 2 – 3. 15-бет.

[23] Вали Қаюмхон. Миллат тақдири учун курашаман (Музаффар Асадуллаев билан суҳбат)// “Мулоқот” журнали, 1992. № 1. 35-бет.

4. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар) 2-китоб 1939 – 1991 йиллар, масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р. Раҳимов М. Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – Б. 59.

5. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the world war II (1941-1945) (a master‟s thesis). – Ankara. 2010. – S. 90.

6. Nurgül Uzunel. Avrupa muhaceretindeki Türkistan basini: Milli Türkistan dergisi (1942-1975) (Yüksek lisans tezi). – Istanbul. 2012. – S. 16.

7. Sevgi Barit. Türkistanli Veli Kayum-han (1904-1993) hayati ve fikirleri (yüksek lisans tezi). – Istanbul. 2018. – S. 37.

YAPON SAFORASINING TIBBIY VA EKOLOGIK XUSUSIYATLARI

Tuychiyeva Xilola Zokirjon qizi
Farg’ona davlat universiteti o’qituvchisi

Annotatsiya: Yapon saforasi (Styphnolobium japonicum) qimmatbaho dorivor, manzarali daraxt hisoblanib, keng miqyosida manzarali daraxt sifatida ekilmoqda. Yapon saforasi qurg’oqchilikka, issiq havo haroratiga,noqulay ob-havo sharoitiga va eng muhimi kasallik va zararkunandalarga chidamli daraxt sifatida diqqatga sazovordir. Yapon saforasi manzarali daraxt bo’libgina qolmay, generativ organlarida qimmatli dorivor moddalar saqlab, undan tibbiyotda foydalaniladi. Yapon saforasi tibbiy va ekologik xususiyatlari jihatdan ustun manzarali daraxt sifatida keng miqyosida ekish tavsiya etiladi.

Kalit so’zlar: introdutsent, ixota, tuxumak, biotsenoz, zararkunanda, rutin, vegetatsiya, to’pgul, Styphnolobium japonicum. rutin,kversetin,genistein, flavanoid, trofik yara.

Yapon saforasi (Sophora Japonica L.) qimmatbaho manzarali daraxt hisoblanadi.Uning bir qator xususiyatlari uning naqadar qimmatbaho manzarali daraxt ekanligini isbotlaydi.

Yapon saforasini qimmatli manzarali,sersoya,tez o’suvchi,har xil kasalliklarga chidamli, Turli xil iqlim va tuproq sharoitiga moslashgan istiqbolli o’simlik hisoblanadi.Shuningdek tuxumak shag’alli,toshloq,unumsiz tuproqlarda o’sa olish xususiyatiga ega bo’lib,undan ko'chma qumlarni mustahkamlashda ixota daraxti sifatida foydalanish tavsiya etiladi.

Yapon saforasi (Styphnolobium japonicum) iqlimlashtirilgan introdudtsent manzarali,ixota daraxt hisoblanadi. Yapon saforasi turli iqlim sharoitiga moslashib o’sa oladi.Shu jumladan,yapon saforasi O’zbekiston hududida ham yaxshi o’sa oladigan qimmatbaho,umrboqiy daraxt.Tuxumak manzarali daraxt sifatida

O’zbekistonning shahar ko’chalarida, magistral yo’l chetlarida,hiyobonlarda o’stirish mumkin.

Sophora Japonica chiroyli shox shabbasi va gullari uchun bog` va hiyobonlarga manzara berish maqsadida ekiladi. Sophora Japonica alohida muhit talab qilmaydigan va har qanday sharoitda yashab keta oladigan o`simlik hisoblanadilar.Sofora Japonica zararkunanda hashorotlar zarariga o`ta chidamli daraxt bo`lib, yashash joyidagi o`simliklar biotsenozi doirasida ham mutloq g`olib o`simliklardir.

Yapon saforasi biologiyasini o’rganish jarayonida uni naqadar qimmatbaho dorivor daraxt ekanligiga iqror bo’ldik.Yapon saforasini barcha generativ organlari (guli,mevasi.urug’i) tarkibidagi dorivor moddalar umuman olganda barcha turdagi kasalliklarga davo bo’la oladi.

Yapon saforasidan sanoatda ham foydalanish mumkin.Jumladan uni poyasidan mebelsozlikda va parket tayyorlashda ishlatiladi.Yapon saforasi bir qator amaliy ahamiyatga ega.Uni dori tibbiyotda,farmasevtikada,yog’ochsozlik sanoatida foydalanish mumkin.Yapon saforasi manzarali,dorivor,amaliy ahamiyati jihatdan yuqori ko’rsatkichlarda turadigan betakror xushmanzara daraxt hisoblanadi.

Asosiy hom ashyo olish maqsadida mahsus hududlarda yapon saforasi ekilib,ulardan dorivor preparatlar tayyorlash uchun yapon saforasining rutinga boy bo’lgan gulg’unchalari tayyorlanadi. Yapon saforasi shifobaxsh daraxtlar sirasiga kirib, farmasevtika va tibbiyotda keng qo’llaniladi.Uning g’uncha va gullarida rutin moddasi ko’p.Bu moddadan P vitamini yetishmovchiligida,ko’z to’r pardasiga qon quyilishi kabi ko’plab kasalliklarni davolash va oldini olishda qo’llaniladigan kamyob dorilar tayyorlashda foydalaniladi.Shuningdek uning guli va mevasidan tayyorlanadigan dorilar nurlanish,revmatizm, ko’p turdagi yurak kasalliklari,gipertoniya, stenokardiya, ateresklerоz,infarkt,insult,oshqozon va ichak tizimi kolit,gastrit.jigar,teri kasalliklari,allergik kasalliklar,bavosil, qizamiq, qizilcha toshmali tif kab yuqumli kasalliklarni davolashda shifobaxshdir.

Flavonoid saqlovchi o’simlik va ularning mahsulotlari vitamin P ta'siriga ega bo’lib, meditsinada qon tomirlarining o’tkazuvchanligi buzilganda yurak-qon tomirlarining funksional buzilishida, gipertoniya kasalligining boshlanishida,

tinchlantiruvchi, o’t (safro) va siydik haydovchi, ichak yarasiga qarshi, nur kasalligiga qarshi, qon to’xtatuvchi sifatida ishlatiladi.

Tibbiyotda g’unchasi (guli) va mevasi ishlatiladi.Tarkibida flavanoidlar (rutin,kversetin,genistein) Vitamin C, bo’yoq moddalar bor.G’unchasidan rutin va kversetin olinadi.Mevasi so’rmasi (nastoykasi)yiringli va trofik yaralarni hamda kuygan joylarni davolash uchun ishlatiladi.Rutin va kversetin vitamin P ta’siriga ega bo’lib, shu vitamin yetishmasligida gipovitaminoz,qon tomirlar devorining o’tkazuvchanligining buzilishidan kelib chiqadigan kasalliklar,gemmarogik diatez,kapillyar toksikoz,qon bosimi oshishi,bod, qizamiq,bo’g’ma,ich terlama va boshqa kasalliklarni davolashda ishlatiladi. Yapon saforasi ko’kalamzorlashtirishda qimmatbaho manzarali,umrboqiy darxt sifatida tavsiya etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI.

1. kizi Tuychiyeva, X. Z., & Turdibekov, M. (2022). BIOECOLOGICAL CHARACTERISTICS OF SOPHORA JAPONICA. *Educational Research in Universal Sciences*, *1*(7), 146-151.

2. qizi Tuychiyeva, X. Z. (2023, January). Biologiya darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning afzalliklari. In *international conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 378-380).

3. qizi Tuychiyeva, X. Z., & Turdibekov, M. (2022, December). THE ECOSYSTEM OF INSECTS. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 19, pp. 110-113).

4. qizi Tuychiyeva X. Z. O ‘SIMLIKLARNI ZARARKUNANDA HASHAROTLARDAN HIMOYA QILISH USULLARI //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – T. 2. – №. 1. – C. 33-39.

5. Tuychiyeva X. YAPON SAFORASI (SOPHORA JAPONICA L) NING BIOEKOLOGIK XUSUSIYATLARI //Talqin va tadqiqotlar. – 2023. – T. 1. – №. 8.

6. qizi Tuychiyeva X. Z., Turdibekov M. ANTROPOGEN MUHIT OMILLARI VA ULARNING HASHAROTLARGA TA’SIRI //GOLDEN BRAIN. – 2023. – T. 1. – №. 2. – C. 296-273.

7. Tuychiyeva, X. (2023). KERATOFAG HASHAROTLAR VA ULARGA QARSHI KURASHISH. *Talqin va Tadqiqotlar*, *1*(12).

XALQ QO’SHIQLARIDA BILAK BILAN BOG’LIQ POETIK OBRAZLAR

Hamroyeva Dilfuza Jamolovna
Mustaqil tadqiqotchi Buxoro davlat universiteti
hamroyevadilfuza@gmail.com

Annotatsiya: ushbu maqolada o’zbek xalq qo’shiqlarida bilak somatizmining badiiy talqini, metaforik nomlar bilan ifodalanishi, ramziy ma’nolari bilan bog’liq jihatlar ochib berilgan

Kalit so’zlar: bilak, tol, tolgan bilak, oqbilak, singan bilak, bilakuzuk.

Bilak qo’lning asosiy qismlaridan biri bo’lib, u orqali qo’l kuchi ta’minlanadi. Shu sababli bilak ko’pincha kuch-qudrat ramzida ifoda etiladi. Masalan,

Daryoning ul yuzida bir tup g’o’za,
Ul g’o’zaning tagida oltin ko’za.
Oltin ko’za ko’targani bilak qani,
Qizlar bilan o’ynagani yurak qani? [1, 26-b.]

Bu qo’shiqda oltin ko’za oila ramzini ifodalagan bo’lsa, uni ko’tarish uchun mos bilak er kishi, yigit timsolini ifodalayotir.

Tol kesganim yo’q edi,
Toldirdi bilagimni.
Sevgan yorim yo’q edi.
Yondirdi yuragimni. [1, 57-b.]

Qo’shiqdan tol er kishi ramzini ifodalayotganini bilish qiyin emas. M.Alaviya, S.Ro’zimboyev, A.Musaqulov, Sh. Turdimov, D.O’rayeva, M.Yoqubbekova xalq qo’shiqlari haqidagi tadqiqotlarida tolning erkak ramzida keltirilishini bizgacha ta’kidlashgan. Misralardagi tolgan bilak turmushida zahmatdan charchagan ayol timsolini bildirib kelmoqda, chunki erkak kishi ro’zg’or yukini ayoli zimmasiga tashladiki, uni qiynoqqa qo’yadi.

Bilak – go’zallik ifoda etuvchi inson tana a’zosi. O’zbek xalq qo’shiqlarida bilak ham o’ziga xos ma’nolarda obrazlantirilgani kuzatiladi. Bunda ko’pincha bilakning oqligi, ya’ni oqbilak haqida fikr yuritiladi. Ko’pincha, lirik qahramon o’zining oqbilakliligiga yarasha toleyi ham oq bo’lishini, ammo toleyi oq emas, qora bo’lganini aytib noliydi. Oq bilaklariga yarasha bilakuzugi yo’qligidan hasratlanadi:

Bilagimning oqligi,

Bilakuzugimning yo’qligi.

Ko’nglimning yarimligi

Suyganimning yo’qligi. [2,98-b.]

O’zbek xalq qo’ shiqlarida singan bilak obrazi maqsadga yetmaganlik ramzini ifodalab keladi. Shuningdek orzularning ushalmasligi qayrilgan bilak ramzida ham beriladi:

Oq edi bilaklarim,

Ko’p edi tilaklarim.

Tilaklarimga yetolmay,

Qayrildi bilaklarim. [2, 209-b.]

Bilak so’zining oq sifati bilan kelishi ham go’zallikka urg’u beradi. Bilakka bilakuzuk taqilishining asosida ko’z tegmasin degan tushuncha yotadi. Bunda bilakka ko’zi tushgan kishining diqqati bilakka emas, bilakuzukka jalb etilishi maqsad qilingan:

Bilakka yarashar oltin bilaguzuk,

Kumush sirg’a osgan quloqlaringdan. [2, 134-b.]

Yana bir she’rda bilakuzuk orqali yorga, juftlikka ishora qilinadi:

Bilagimning oqligi,

Bilakuzugimning yo’qligi.

Ko’nglimning yarimligi,

Suyganimning yo’qligi. [1, 98-b.]

Oq bilak birikmasi ko’pincha tantiqlik, dangasalik, erkalik, ishyoqmaslik, noz-karashmalilik tushunchalarini ifodalashga xizmat qiladi:

Oqmidi bilaklarim,

Ko’pmidi tilaklarim,

Yetti qat yer ostida

Chiridi suyaklarim. [1, 14-b.]

Demak, o’zbek xalq qo’shiqlarida bilak turli ramziy ma’nolarni ifoda etib keladi. Qo’shiqlarda kuylangan bilak faqat go’zallik ifodasi bo’lib qolmay, bir o’rinda er kishi, boshqa o’rinda ayol timsolida qo’llansa, qayrilgan, singan bilak birikmalari orqali ushalmagan orzu, armonga aylangan niyat ifodasi mujassam.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O’zbek xalq ijodi. Gulyor. Farg’ona xalq qo’shiqlari.-T: G’.G’ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1967.

2. O’zbek xalq ijodi. Oq olma, qizil olma. To’plovchi M.Alaviya. O’zbekiston Fanlar akademiyasi A.S.Pushkin nomidagi til va adabiyot instituti, T. 1972

3. O’zbek marosim folklori. Sarimsoqov B. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 1986.

4. O’zbek xalq lirikasi. Musaqulov A. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 2010 (141-b)

5. Поетические символы в узбекских народных лирических песнях. Turdimov Sh. Diss., kand, filol.,nauk. – T : 1987

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ: ОҚИБАТЛАРИ ВА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Абдусаматова Шохида Абдуманноб кизи

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Қўлдашев Шохруҳбек Санжарбек ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Эрозия – бу сув ва шамол оқимлари таъсирида тупроқ ва унинг остки қатламларини емирилиши, емирилиш маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва қолдириш жараёнларининг йиғиндиси.

Эрозиянинг келиб чиқишига таъсир зтувчи омилларга қараб уни икки хилга ажратилади: сув ва шамол эрозияси.

Сув эрозияси ёмғир ва эриган қор сувларини оқиб тушиши натижасида пайдо бўлади, шамол эрозияси эса шамол (ҳаво оқими) таъсирида пайдо бўлади.



1-расм. Эрозиянинг умумий кўриниши

Сув ва шамол эрозияси ўзининг тупроққа нисбатан емирилиш таъсири ва табиати бўйича ҳар хил, лекин уларнинг таъсири натижасида умумийлик мавжуд. Тупроқда чиринди ва ўсимликлар учун керакли озуқа моддарни камайтиради ва охирида тупроқ унумдорлигини кескин пасайтиришда олиб келади.

Шамол эрозияси (дефляция) ҳам икки хил шаклда ўтади: нормал (ҳар кунли) ва чангли бўронлар. Биринчиси шамолнинг тезлиги 5-7 м/сек бўлганда ўтади, иккинчиси эса шамолнинг тезлиги секундага 8-10 метрдан юқори бўлади. Юқорида айтилганлардан шундан ҳулоса қилиш мумкинки, эрозия

жараёнининг келиб чиқишида асосан иккита йирик омиллар ётади: физико-географик ва антропоген (инсоннинг хўжалик фаолияти)



2-расм. Шамол эрозиясининг таъсири

Физико-географик омиллар қуйидагиларга бўлинади: иқлим, релъеф, тупроқ ва ўсимликлар. Бу омиллар ўз навбатида эрозияга таъсир қилувчи бир қатор элементларни ўз ичга олади. Иқлимнинг элементлари: ҳарорат; ёғингарчилик; шамол. Рельефнинг элементларидан қиялик: шакли, бурчаги, узунлиги, йўналиши.

Тупроқнинг элементлари: менханик таркиби, чиринди миқдори, намлиги ва унумдорлиги. Ўсимликларнинг элементлари сифатида уларнинг ер юзасини қопланганлик даражаси аниқланади. Қанчалик юза кўп йиллик ўтлар (ўсимликлар) қопланган бўлса, шунчалик тупроқ қоплами ювилиш ёки заррачалар учирилиб кетишидан сақланади.

Қишлоқ хўжалиги тўғридан-тўғри таъсири бор. Унинг миқдорини қуйидаги рақамларда келтирамиз:

- муҳим техник ўсимликларнинг ҳосилдорлиги камайиши (Белоруссия ҳудудида – сув эрозиясига 470 минг гектар ер майдони, қиялигина қараб 12-40%, ҳайдалма ерларда - 20–60 %, кўп йиллик ўтлар - 5–20 %),

- тупроқ таркибидаги гумуснининг миқдорини 30 мартагача камайишини ҳисобига аҳолининг ортиши ва ҳосилдорлик ўртасида мувозанатни ушлаб туриш мумкин (Россия Федерацияси Курск вилояти).

Антропоген омиллар инсоннинг фаолияти боғлиқ. Инсон юқорида тезлашган эрозиянинг сабабчиси. Агар инсон ўз фаолиятини илмий асосда, онгли равишда олиб борса, тезлашган эрозиянинг интенсивлиги ҳам сўзсиз пасайиб боради.

Шамол эрозиясини камайтириш мақсадина бир нечта мисоллар келтирамиз.



3-расм. Шамол эрозияни камайтириш учун дарахтлар фойдаланиш

Зарурий қишлоқ хўжалик ўсимликларни етиштиришда, айниқса, буғдой ва бошқа донли ўсимликлар маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини меъёрда бўлиши учун қайд этилган масалани чуқурроқ ўрганишимиз керак

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керак-ки, жамият учун фойдали табиий ресурслар бири бўлган тупроқнинг эрозиясини камайтириш, унинг унумдорлигини ошриш бўйича ишларни олиб бориш келажакда ижтимоий ва иқтисодий нуқтаи назардан ижобий таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Кадиров Р.Н. Такрорий соядан кейин экилган истиқболли Дурдона, Аср навларининг сув баланси //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.-2012. №12.-17 б.

2. Почвы Республики Беларусь / под ред. В. В. Лапа. – Минск: ИВЦ Минфина, 2019. – 632 с.

3. Ю. П. Сухановский, А. В. Прущик, Ю. А. Соловьева, С. И. Санжарова. Проблема обоснования допустимых эрозионных потерь почвы и подход к ее решению//Бюллетень Почвенного института им. В.В. Докучаева. 2015. Вып. 78. Стр. 3-19.

4. Лисецкий Ф.Н., Светличный А.А., Черный С.Г. Современные проблемы эрозиоведения. - Белгород: Константа, 2012. 456 с.

АРАШОН БУЛОҚ ЗИЁРАТГОҲИНИНГ ШАЙХЛАРИ ҲАҚИДА

Дониёров Ботир Артиқович

“Антик Дунё” (Antique World) Халқаро Илмий Академиясининг доктори

Рўзиматов Шухрат Алиматович

Ангрен шаҳар тарихи музейи директори

Ҳар бир қадимий табаррук зиёратгоҳларнинг, остоналарнинг, қадам жойларнинг ва бошқа мозор ҳамда қабристонларнинг шайхлари бўлгани каби рисоламизнинг бош мавзуси бўлган Арашонбулоқ зиёратгоҳида ҳам бир қанча шайхлар ўтди. Ҳозирги кунда давом этмоқда.

Қадимда Наманган вилоятининг Тошлоқ қишлоғида яшаган Бузрук Эшон ўтганлар. Арашон булоқ зиёратгоҳи Эшон тасарруфидаги ерлар бўлиб, шайхлиги ҳам ўша кишига қарашли бўлган экан. Эртош қишлоғидан Хўжаназар сочли ёшгина оилали йигит Эшонга мурид тушиб, ҳам савод чиқарган. У кишини етук авлиё сифатида ҳурмат қилиб, ҳам ҳизматларида бўлганлар. Йигитнинг содиқ ҳизматларини ҳамда илмини ҳисобга олиб, пири бузруквор суюкли қизларини хотин устига иккинчи хотин қилиб никоҳлаб берганлар. Қизи учун ҳурмат сифатида Арашонбулоқ зиёратгоҳини севимли куёвларига ҳадя қилиб берганлар. Шу кундан эътиборан Арашонбулоқ зиёратгоҳи шайхликлиги эртошлик Хўжаназар Сочли эшоннинг авлодларига наслдан-наслга ўтиб келмоқда.

Кейинчалик Хўжаназар Сочли эшоннинг ўғиллари 5 та ака-ука Масидиқ эшон, Сайид эшон, Холбой эшон ва Ортиқбой эшонлар шайхлик қилиб, вақти қазоси етиб оламдан ўтганларидан кейин, тан маҳрамлари Тўён кампир, Сайфи кампирлар хам 20-30 йиллаб шайхлик қилишганлар.

Хўжаназар Сочли эшоннинг бешинчи фарзанди Ортиқбой эшон оламдан ўтгандан сўнг у кишининг қизлари Жума кампир шайхликни давом эттирган. Ушбу эшонлар уруғидан эркак зоти бўлмаганлиги сабабли она томондан бўлалари мулла Мингбой бобо 30 йил давомида шайхлик қилганлар. Бу ҳолат

1979 йилгача давом этган. Орадан 4 йил Арашон бобо зиёратгоҳи шайхсиз холатда бўлиб, ҳар хил шайхлар фаолият юритмоқчи бўлганлар. 1983 йилдан бошлаб Хўжаназар Сочли эшон уруғининг давомчилари томонидан набираси Мухаммад Юсуф домла (Мамаюсуф) зиёратгоҳга 2010 йилгача шайхлик қилдилар. Ва бу вазифани шайх бобо сидқидилдан 27 йил бажардилар. Мазкур вақт давомида Мустақил Республикамизнинг ҳамда ҳамдўстлик республика мамлакатларидан минг-минглаб зиёратчилар келиб ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний қувват олишиб, дардларига шифо топиб, ниятларига етиб кетишган. Шайх Мухаммад Юсуф домла вақти қазоси етиб оламдан ўтганларидан кейин 4 ўғил ва 1 қиз фарзандлар қолди.

1. Қурбонали Жўраев
2. Хидирали Жўраев
3. Меҳринсо Жўраева
4. Муҳаммадали Жўраев
5. Жабборали (Очил) қори Жўраев

Шайх бобонинг фарзандларини ҳаммаси ҳам инсофли, товфиқли, диёнатли, дини-исломни қалбларига жо қилган инсонлардир.

Ҳозирги кунда Арашон булоқ зиёратгоҳига Жабборали (Очил) қори Жўраев шайхлик қилмоқда. Хўжаназар Сочли эшоннинг биринчи хотинидан ҳам Мадрахим исмли фарзанди бўлиб, набиралари бор. Улар ҳам хозирги кунда Эртош қишлоғида яшашади. Қавмга Малик бобо бошилик қиладилар. вақти-вақти билан ўғиллари Бурли овчи билан зиёратгохдан ҳабар олиб турадилар.

Шайх Мулла Менгбой бобони ўғиллари Эрназар ака ҳам кейинги йиллари ўқитувчиликдан нафақага чиқиб Арашонбулоқ зийратгоҳига шайхлик қилиб, у ерни обод бўлишига катта ҳиссасини қўшиб қуйидаги ишларни амалга оширди:

1. Аввалари Арашонбулоққа бориб зиёрат қилиш, сувларига чўмилиш учун келувчилар 350-400 метрча юқорига пиёда чиқишар эди. Эраназар ака қўл кучи-чўкич, кетмон, курак, ломлар ёрдамида бир чақиримча йўлни барпо қилди. Натижада зиёратчилар ушбу масканнинг шундаққина яқинига борадиган бўлишди.

2. Эрназар ака раҳнамолигида хожатхоналар қурилди.

3. Зиёратчилар тунаб қолиши учун палаткалар ўрнатди.

4. Ўчоқлар қурилиб, қозон, рўзғор буюмлари олиб келинди.

Арашонбулоқ зиёратгоҳи ҳар бир даврда муносиб шайхларни ўз бағрига олиб, ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар билан ботиний камолга етказди десак адашмаган бўламиз. Зиёратгоҳда шу кунгача қанча шайхлар ўтган бўлса хизматлари алохида таҳсинга сазовор. Арашонбулоқнинг шифобахш сувлари эса башариятники бўлиб, ҳар бир инсонни дардларига шифо топишида катта аҳамиятга эга.

Маълумотлар Муҳаммад Юсуф домланинг фарзанди Жабборали Жўраевдан ёзиб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАРСЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Давлатов Абдихаким Пардайевич

Ғузор тумани 81-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбекистон тарихи дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Дидактика таълим, фасилитатор, тьютор, медиапедагог, модератор, таълим принсиплари.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ўкув-тарбия жараёнини юкори сифатли ўқув адабиётлари билан таъминлаш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жалб этиш хамда таълим тизимини ахборотлаштиришга алохида ахамият берилмокда. Ахборот технологиялардан Ўқув-тарбия жараёнида максадли фойдаланиш дарс машғулотларига сезиларли ижобий самара беради. Ахборот-коммуникация технологиялари таълим моделида педагоглар фасилитатор, тьютор, медиапедагог, модератор каби вазифаларни бажарадилар ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни дарсда максадли қўллаши вақтдан унумли фойдаланиш, мўкаммаллик, кетма-кетлик, мослашувчанлик, ривожланиш, кенг кўламлилик, кўргазмалилик каби имкониятларни очиб бериш билан бир каторда мавзуга оид ўқув материалларини ўқувчилар тўлақонли ўзлаштиришларига замин яратади. Ўкитувчи дарсда иштирок этаётган хар бир ўқувчининг диққатини мавзуга карата олади, уларнинг фаоллигини таъминлайди.

Дарсда ахборот-коммуникацион технологияларнинг қўлланилиши электрон дарсликлар, электрон қўлланма, қўшимча манбалар, электрон топшириқлар ва мультимедиали маълумотлардан кенг қамровли фойдаланиш

имконини беради. Интернет тармоғи ўқувчиларга мавзуга оид энг янги манбаларни киска фурсатда топиб ўқиш ва мустакил ишлаш имкониятини бериш билан бир каторда ўқувчиларда замон билан хамнафас яшаш, хар бир ўқув материалининг туб мохиятига етиш, манба ва маълумотлар устида мустақил ишлаш, киёсий таккослаш кобилиятлари шаклланишига замин яратади. Бугунги кунда тарих фани ўқитувчилари медиапедагог (медиа таълими берувчи педагог, техника воситаларини бошқара олиш, намойиш этиш ва мулоқотга киришиш) ва фасилатор (компьютер технологиялари асосида таълим беришда педагог фасилитатор, яъни жараёнда асосий ёрдамчи) вазифаларини бажариш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Медиа таълими бугунги кунда таълимнинг муҳим сохасидир. Ўқувчиларга индивидуал таъсир этадиган усул сифатида медиатаълим жадал суръатлар билан таълим жараёнига кириб келмокда. Медиа таълими Ўқувчиларни мустакил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни кайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади. Дарсларда бир неча ахборот манбаларининг бир мавзудаги медиа матнларини ўрганиш оркали хар бир ахборотни тарихий маълумот сифатида қабул қилиш куникмалари хосил бўлади. Бу таълим турининг педагогик стратегияси таҳлил кила олиш, унга талқин килиш асосида баҳо беришдан иборат бўлиб, таълимнинг марказида ўқувчи шахси туради, унинг қизиқиши, хоҳиш, истакларини ҳисобга олиш, олинган ахборот воситасида танқидий фикрлашга ўргатади. Шунингдек, Ўқувчилар бу жараёнда ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, керакли ахборотларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш ва мантиқий якинларини ажратишни ўрганади. Таълим жараёнида ўқитувчи мобил телефон ёки бўлмасам компьютер ёрдамида мавзуга оид электрон таълим ресурсларидан кенг қамровли фойдаланиши мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида 11-синф Ўзбекистон тарихи дарсида Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши мавзусида Ўқувчиларга янада кўпрок дарсликдан ташқари маълумот тақдим этишда ўқитувчи бевосита компьютер ёки мобил телефон ёрдамида meros.uz сайтига

мурожаат этиши мумкин. Сайтда Узбекистон Республикасининг барча вилоятларидаги бугунги кунда мавжуд бўлган меъморчилик иншоотлари, археологик ёдгорликлар, техник иншоотлар, зиёратгохлар ва музейлар хакида бирламчи маълумотлар олиш имконияти мавжуд. Масалан, ушбу сайт оркали ўқитувчи видеопроектор ёрдамида Тошкент телеминораси хакида умумий маълумот, унинг тарихи ва фото расмларини намойиш қилиши мумкин.

Бугунги кун ўқитувчиси ўзининг педагогик махоратини намоён этган холда дарс давомида бевосита мавзуга оид қушимча электрон маълумотларнинг интернет манзили (хаволаси)ни ўқувчиларга фойдаланиш учун такдим этиши керак. Ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллаб дарс ўтишида анъанавий усулдаги дарсдан фаркли равишда улкан маълумотлар омборининг мавжудлиги хамда ўқувчилар ҳаракатининг фаоллиги билан ажралиб туради.

Дарс жараёнида интерфаол дастурий воситалардан фойдаланиш, интернетдаги мавжуд ҳавола, электрон харита ва виртуал музейларга кириш ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияларини шакллантиради. Виртуал музейларнинг хаволаси орқали Ўқувчилар, республикамизда жойлашган ва жахондаги машхур музейларга саёхат килишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ўқувчиларнинг мавзуга оид эгаллаган билимлари ва компетентлигини бахолаш учун ilm.uz сайти орқали электрон тарзда ”Тарих” фанидан мавзули тест саволларини онлайн тарзда ечиш хамда ўқувчиларнинг тест саволига берган жавобларининг туғри ёки хатолигини қисқа муддатда аниқлаш имкониятини беради. Онлайн тарзда тест ечишнинг афзаллик томонлари шундаки, қоғоз ва принтерда нашр ишларига маблағ сарфланмаслиги билан бир каторда ўқитувчи тест саволларининг жавобини текширишга вақт ажратмайди. Энг асосийси ўқувчилар ўзларининг билим савияларига ўзлари баҳо берадилар. Бу жараёнда юкори синф Ўқувчиларида смартфон, мобил телефон, планшет, ноутбўқ бўлиши мумкин, лекин 6,7,8синфларда аксарият ҳолларда мобил қурилмалар бўлмаслиги мумкин. ўқувчининг уй вазифасини бажариш учун сарф этадиган вакти, унинг

натижалари хам дарс самарадорлигини педагогик жихатдан туғри ташкил этишга бевосита боғликдир.

Ўқувчиларнинг билим олишлари учун кушимча имкониятлар яратиш мақсадида таълим муассасасининг ахборот ресурс маркази доимий интернет тармоғига уланган бўлиши хамда ўқувчилар дарс машғулотларидан сўнг таълим муассасаси маъмуриятининг белгиланган графиги асосида интернет хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Тажрибамизга таянган холда, медиа таълими ва мобил ўқитиш ўқувчиларга бериладиган билим, кўникмаларнинг аниқ, тушунарли ва хотирада сақланишини таъминловчи таълим усули деб эътироф этилса муболаға бўлмайди. ўқитувчининг оғзаки маърузасидан кўра, ўқувчи кўргазмали воситалар, замонавий технологиялар ёрдамида ўтилган дарсда ўзи учун керакли билимлар захирасига эга бўлади.

Хулоса килиб айтганда дарс жараёнига ахборот-коммуникацион технологиялар, яъни медиа таълими, мобил ўқитиш тизимини жорий этилиши натижасида ёшларни мустақил ижодий ишлаш, эркин фикрлашга ўргатиш қобилиятлари шаклланади. Бугунги кунда педагогика сохасидаги энг янги тажриба махсулларини таълимга интеграциялашуви давр талаби экан, унинг таълим-тарбия билан узвийлигини таъминлаш педагогларимизнинг бирламчи вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахманова Ж. Н. (2020). Иккинчи Жалон урушининг грек халки хаётига таъсири (Узбекистонга кучирилган греклар мисолида) 0'tmishga nazar. 1 (махсус сон). 79

2. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy oftolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal оп Integrated Education, 2(5), 212.

3. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2О2О). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини

шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education. (7). 436-442

4. Хайдаров С. Use ofproducts ofthe Ппе arts in teaching history of Uzbekistan. International Journal ofResearch. Volume Об Issue 03 March 2019. — P4O-44. Impact factor 5.6.India.

5. 3. Хайдаров С. Pedagogic and didactic possibilities ofusing. International Journal of

OLIY TA’LIM TIZIMIDA TALABALARGA KIBERXAVFSIZLIK VA AXBOROT XAVFSIZLIGINI O’RGATISH BOSQICHLARI

Bekchonova Shoira Bazarbayevna
Yangi asr universiteti dotsent. PhD,
Umumta’lim fanlar kafedrasi mudiri
bshb79@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada XXI asrda raqamli ta’lim muhitida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik xaqida, ularning rivojlanish bosqichlari, axborot va kiberxavfsizlikni talabalarga o’rgatish jarayonlari, bu jarayonlarda qo’llaniladigan metodlar keltirib o’tilgan.

Kalit so’zlar: kiberxavfsizlik, axborot xavfsizligi, ta’lim,tarmoq,zamonaviy texnologiya, raqamli ta’lim, talaba.

Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi bugungi dunyoda muhim jihatlar bo'lib, unda ko'proq ma'lumotlar saqlanadi va raqamli qurilmalar orqali uzatiladi. Universitetlar talabalar, o'qituvchilar va boshqa xodimlar haqidagi ma'lumotlarni himoya qilish uchun o'z tizimlari va ma'lumotlarining xavfsizligini ta'minlashi kerak. Buning uchun zamonaviy texnologiya va himoya usullarini qo‘llash, kiberxavfsizlik bo‘yicha kadrlar tayyorlash, xavfsizlik siyosatini ishlab chiqish, muntazam ravishda xavfsizlik auditini o‘tkazish, talabalarni kiberxavfsizlik bo‘yicha o‘qitish zarur. Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi barcha universitetlar uchun ma'lumotlar xavfsizligini ta'minlash va o'z talabalari va xodimlarini kiber tahdidlardan himoya qilish uchun ustuvor vazifa bo'lishi kerak.

Tadqiqotlar taxlili asosida ellikdan ortiq manbalar o’rganildi, ulardan M.V.Arsentiev, V.Ya.Ischeynova, K.V.Miroshnichenko, V.V.Gerasimov axborot xavfsizligini aniqlashga yondashuvlar aniqlangan bo'lib, ular izohlash variantlarini guruhlash va axborot xavfsizligi uchun yangi texnologiyalardan foydalanishni o'rganishga kirishish imkonini beradi.

Raqamli asrda nafaqat kompaniyalar, balki oddiy odamlar ham har kuni kiberxavfsizlik muammolariga duch kelishadi. Yuqori texnologiyali jinoyatlar soni tobora ortib bormoqda, shuning uchun ularning oldini olish uchun ko'proq mutaxassislar kerak. "Kiberxavfsizlik: hujum va mudofaa strategiyalari", Yuriy Diogenez, Erdal Ozkaya, “Axborot xavfsizligi. Himoya va hujum, Andrey Biryukov, Kali Linux. Penetratsiya va xavfsizlik testlari - Aleks Zamm, Shiva Parasram, Shakeel Ali, Tedi Heriyanto, Tarmoq xavfsizligi monitoringi amaliyoti: hodisani aniqlash va javob berishni tushunish, Richard Beytlix, - o'quv materiallari va darsliklarida boshlanuvchilarga kasbni o'zlashtirishga yordam beradi[2].

Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi zamonaviy axborot asrining muhim jihatlari hisoblanadi. Ushbu mavzu bo'yicha o'quv qo'llanmalar talabalar va mutaxassislarga axborot xavfsizligining asosiy tamoyillari bilan tanishish va ularni amalda qo'llashni o'rganishga yordam beradi.

O'quv qo'llanma quyidagi mavzularni qamrab oladi:

- kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi asoslari
- Viruslar va xakerlik hujumlaridan himoya
- Internetda xavfsizlik
- maxfiy ma'lumotlarni himoya qilish
- risklarni boshqarish [2].

Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi bo'yicha o'quv qo'llanma axborot bilan ishlaydigan va uni ruxsatsiz kirish va foydalanishdan himoya qilishni istagan har bir kishi uchun zarurdir. Ta’lim tobora raqamli tus olayotgan bugungi dunyoda universitetlarda kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi muhim o‘rin tutadi. Universitetlar talabalar, o'qituvchilar va boshqa xodimlar haqidagi ma'lumotlarni himoya qilish uchun o'z tizimlari va ma'lumotlarining xavfsizligini ta'minlashi kerak[4].

Buning uchun bizga quyidagilar kerak[1, 3]:

1. Tarmoqlar va tizimlar xavfsizligini ta'minlash: universitetlar xavfsizlik devori, antiviruslar, hujumlarni aniqlash tizimlari va boshqalar kabi zamonaviy texnologiyalar va himoya usullaridan foydalanishlari kerak.

2. Talabalarni kiberxavfsizlik bo'yicha o'qitish: Universitetning barcha talabalari kiberhujumlar xavfini tushunishlari va o'z kompyuterlari va ma'lumotlarini himoya qila olishlari kerak.

3. Xavfsizlik siyosatini ishlab chiqish: Universitetlar ma'lumotlarga kirish, parollardan foydalanish, ma'lumotlarni shifrlash va hokazolarni tartibga soluvchi xavfsizlik siyosatini ishlab chiqishi kerak.

4. Muntazam xavfsizlik auditini o'tkazish: Universitetlar o'z tizimlari va tarmoqlaridagi zaifliklar va xavflarni aniqlash uchun muntazam ravishda xavfsizlik auditini o'tkazishlari kerak.

5. Talabalarni kiberxavfsizlik bo'yicha o'rgatish: Universitetlar o'z shaxsiy ma'lumotlari va kompyuterlarini himoya qilishlari uchun talabalarni kiberxavfsizlik bo'yicha o'rgatishlari kerak.



1-rasm. Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligini o’rgatish bosqichlari

Raqamli qurilmalar orqali ko‘proq ma’lumotlar saqlanishi va uzatilayotgan bugungi dunyoda kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi muhim jihatlarga aylanmoqda. Universitetlar talabalar, o'qituvchilar va boshqa xodimlar haqidagi katta hajmdagi shaxsiy ma'lumotlarni saqlaydigan va qayta ishlaydigan tashkilotlar sifatida o'z tizimlari va ma'lumotlarining xavfsizligini ta'minlashi kerak[4].

Universitetlarda axborot xavfsizligini ta'minlashning bir qancha usullari mavjud. Bunday usullardan biri antivirus dasturlari, xavfsizlik devorlari va ma'lumotlarni shifrlash kabi zamonaviy xavfsizlik texnologiyalaridan foydalanishdir. Ushbu texnologiyalar universitet tizimlariga hujumlarning oldini olishga va ma'lumotlarni ruxsatsiz kirishdan himoya qilishga yordam beradi.

Kiberxavfsizlik ham, axborot xavfsizligi ham XXI asrda ravnaq topayotgan texnologiyalarning muhim jihatlari hisoblanadi. Shuning uchun, ma'lumotlar xavfsizligi dunyosida muvaffaqiyat qozonishni istagan har qanday mutaxassis ushbu ikki atamani yaxshi tushunishi kerak. Doimiy xavfsizlik tekshiruvlari universitet tizimlaridagi zaifliklarni aniqlashga va ularni bartaraf etish choralarini ko'rishga yordam beradi. Shuningdek, talabalar o'zlarining shaxsiy ma'lumotlarini himoya qilishlari va universitet tizimlari xavfsizligini ta'minlashga yordam berishlari uchun kiberxavfsizlik bo'yicha o'rgatish kerak. Kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi barcha universitetlar uchun ma’lumotlar xavfsizligini ta’minlash hamda o‘z talabalari va xodimlarini kiber tahdidlardan himoya qilish uchun ustuvor vazifa bo‘lishi kerak. Zamonaviy xavfsizlik texnologiyalarini joriy etish, xodimlar va talabalarni kiberxavfsizlik bo‘yicha o‘qitish, xavfsizlik siyosatini ishlab chiqish va muntazam ravishda xavfsizlik auditini o‘tkazish ushbu maqsadga erishishga yordam beradi.

Umuman olganda, kiberxavfsizlik va axborot xavfsizligi barcha universitetlar uchun ma’lumotlar xavfsizligini ta’minlash hamda o‘z talabalari va xodimlarini kiber tahdidlardan himoya qilish uchun ustuvor vazifa bo‘lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Anwar, M., He, W., Ash, I., Yuan, X., Li, L., & Xu, L. (2017). Gender difference and employees’ cybersecurity behaviors. Computers in Human Behavior, 69, 437–443. https://doi.org/10.1016/j.chb.2016.12.040

2. Bekchonova Sh.B. Pedagogikada kiberxavfsizlik bo’yicha ta’limning dolzarbligi. Pedagogika ilmiy-nazariy va metodik jurnal. 2022,3-son. –Toshkent. 119-123 b.

3. Mamatov D.N. Bekchonova Sh.B va boshqalar. “Elektron platforma tizimi va undan foydalanishni o`rganish” методик қўлланма.TDPU, T-2020 y.35 b.

4. Гаджиев, Х. (2021). Обеспечение прав человека в контексте кибербезопасности. Правовые вопросы противодействия мошенничеству и киберпреступлений, 1(1), 34–39.

ҲУДУДЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Акрамов Ғолибжон Баҳодир ўғли

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти

Ice.akramov@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада ҳудудларда соғлиқни сақлашни давлат бюджетидан молиялаштириш механизмлари самарадорлигининг таҳлили масалалари тадқиқ этилган.

Мақолада Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасининг хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, ҳудудларни молиялаштириш, бюджет ташкилотлари, молиялаштириш механизмлари, тиббий суғурта, тажриба-синов лойиҳаси.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш борасида халқаро тажрибалардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди. Шундай механизмлардан бири Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган давлат бюджетини йиллар кесимида тузиш амалиёти ҳисобланади. Мазкур молиявий механизм “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун билан тартибга солиб борилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги пайтда тузилаётган бюджетлар консолидациялашнинг кўпроқ жамланма ёки йиғма бюджет тузиш кўринишига эга бўлиб, халқаро усуллар ва механизмларни қўллаш талабларига тўлиқ мос келмасада, бироқ халқаро стандартларга ўтишдаги дастлабки қадамлардан бири

эканлигини инобатга олиб, бу ташаббусни рағбатлантириш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, консолидациялашган бюджет тузишда анъанавий горизонтал ва вертикал жамлаш усулидан ташқари, бирлик ва манфаатлар назарияси, озчилик ва кўпчилик манфаатларини ифода этиш тамойили, Бош, шўъба ва қарам ташкилотлар, филиаллар, ваколатхоналар балансидаги молиявий ва номолиявий маблағларнинг такрор ҳисоб-китоб қилинмаслигини таъминлаш ва бошқа шу каби талаблар қамраб олиниши лозим. Бундай тартибни ўрнатилиши ҳудудлар иқтисодиётини давлат бюджетидан молиялаштириш ва бюджетлараро муносабатларни шакллантиришда ҳам муҳим рўл ўйнайди [1].

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этилиши давлат тиббиёт ташкилотларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида йирик инфратузилма лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекситон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори давлат бюджетидан молиялаштиришнинг янги истиқболларини очиб беришга хизмат қилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Янги молиялаштириш моделига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети билан таъминлаш механизми ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур вилоят мисолида кафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси 2020 йил 1 декабрдан ташкил этилиб, унинг фаолият юритиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ҳажми Давлат бюджетидан кафолатланган тиббий хизматларни харид қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 2 фоизи миқдорида белгиланганлиги янги механизмни жорий этиш учун дастлабки капитал сифатида хизмат қилади. Давлат бюджетидан кафолатланган пакетни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағларни жамлаш, уларнинг мақсадли ва самарали харажат қилинишини ташкил этиш ва мониторинг қилишда давлат молиявий назорати ҳамда ички аудит хизматининг ролини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Молиялаштиришнинг янги механизмига кўра, тажриба-синов лойиҳаси доирасида 2021 йил 1 июлдан бошлаб Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлардан ташқари) Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида босқичма-босқич ўтказиб берилиши белгилаб қўйилган [2].

Жамғарма ва тиббиёт ташкилотлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар асосида улар фаолияти молиялаштириб борилади. Амалдаги қоидаларга кўра, туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги шифохоналарга ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми даволанувчилар сони ва улар учун ҳақиқатда сарф қилинган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш тартиби ўрнатилган.

Сирдарё вилояти миқёсида тиббий ёрдам кўрсатиш учун ажратиладиган бюджет маблағларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ғазна ҳисобварағида жамлаш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, мавжуд тиббий хизматлар харажатлари таҳлилини ўтказиш ва давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми доирасида янги хизматлар пакетларини молиялаштириш учун зарур молиявий маблағлар ҳисоб-китобини (costing) халқаро ташкилотлар кўмагида ва халқаро услубиётга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари молияси бўғинида алоҳида ўринни бюджет муассасаларининг молияси эгаллайди, чунки бу, биринчи навбатда, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларда аҳолига зарур ижтимоий хизматларни тақдим этадиган бюджет муассасаларидир [3].

Соғлиқни сақлаш ташкилотларини ягона молиялаштириш манбаи ҳисобидан таъминлаш тизими бюджет-суғурта моделига нисбатан бир қатор стратегик афзалликларга эга. Бироқ, янги молиялаштириш тизими ҳам мукаммал эмаслиги оқибатида муаммолар юзага келганлигини кузатамиз. Мажбурий тиббий-суғурта моделига ўтиш муносабати билан давлатнинг фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятлари ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ўртасида номутаносиблик пайдо бўлди [4].

Ижтимоий соҳани молиялаштиришда илғор халқаро тажрибани қўллаш, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини моддий-техника таъминотини халқаро талабларга мослиги, замонавий ва инновацион тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мажбурий тиббий-суғурта моделига ўтиш ягона молиялаштириш манбаи механизмини бутунлай рад этишни англатмайди. Бу масалани ижобий ҳал этишнинг самарали йўлларидан бири сифатида давлат-хусусий шерикчилик усулидан кенг фойдаланишни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/6333240

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. https://lex.uz/docs/5100699

3. B.A.Xasanov, A.A.Xashimov, A.B.Muxametov, A.A.Abduvoxidov, J.M.O‘razmatov, G‘.B.Akramov, M.A.Narbayeva, D.B.Eshpulatov. Moliya va soliqlar. – T.: “Iqtisodiyot dunyosi”, 2022. – 774 b.

4. Репринцева Е.В. Механизмы финансирования здравоохранения РФ. https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizmy-finansirovaniya-zdravoohraneniya-rf.

БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАВШИЕ СЛОВА

Джурабаев Ж
Студент 4 курса ДжГПУ им.А.Кадыри
Научный руководитель:
преподаватель ДжГПУ **Каримова З.О.**

Аннотация: В статье рассматривается вопросы использования малоупотребительных слов в повседневном общении людей, которые относятся к речевой агрессии. Слово — важнейшая единица языка, самая многообразная и объемная. Именно слово отражает все изменения, происходящие в жизни общества. Слово не только называет предмет или явление, но и выполняет эмоционально-экспрессивную функцию.

Ключевые слова: агрессия, культура, общение, речевой этикет, язык, реакция, коннотации.

Сегодня русский язык, как отмечают исследователи, характеризуется снижением уровня речевой культуры, вульгаризацией речи - все это результат агрессивности общественного сознания. В этой статье, мы хотели бы рассмотреть малоупотребительные слова, которые имеют прямое отношение к явлению, распространенному в повседневном общении, - речевой агрессии.

Слова, вынесенные в название статьи, в словарях не встречаются, а в литературе и живом употреблении являются большой редкостью. Мало кому известно, кто такие *тыбик* и *ябик* и где о них можно услышать. Пытаясь собрать материал и выяснить, стоит ли писать эту статью, мы задавали вопрос о *тыбике* и *ябике* разным людям. Реакции собеседников были удивительно разнообразны. «*Тыбик! Смешное слово какое! Это ты его выдумала?*»; «*Никогда такого термина не слышал. Наверное, это из постмодерна. Удачи!*»; «*Вы русский язык преподаете, а не знаете, что такое тыбик?!*» «*Правильно надо говорить «быть тЫбой», а не «тыбиком*». «*Ну… Это ясно: ты бы*

сбегал, ты бы принес… Короче, тыбик.»; «*Кто такой ябик? – Да это наша Валентина!*» «*Никогда не слышал ябика*».

Слова эти заслуживают внимания не только потому, что в качестве «пропавших» (или малоупотребительных) достойны нашей рубрики. Дело в том, что малоизвестные *тыбик* и *ябик* имеют прямое отношение к явлению, распространенному в повседневном общении, - речевой агрессии.

Как появились тыбик и ябик?

Тыбик, как и *ябик*, образовался посредством сложения (ты + бы) с суффиксацией (суффикс **ик**). *Тыбик* – человек, постоянно привлекаемый для выполнения случайных поручений, обычно занимающий невысокое (зависимое) положение в социальной иерархии, являющийся подчиненным, не обладающий высокой квалификацией либо воспринимаемый в таком качестве.

Интерпретация происхождения существительного *тыбик* затруднена тем, что оказалось невозможно установить саму сферу его функционирования, время его появления и степень распространенности. Собранные сведения очень бедны. В Национальном корпусе русского языка это слово встречается один раз. Нами слово *тыбик* было зафиксировано в общежитии г. Петрозаводска в 1997 году в качестве реакции студента на предложение сбегать в магазин («*Я вам что, тыбиком нанимался*?»). В литературе 1970-х оно многократно встречается как слово, с положительной, и отрицательной коннотацией:

(1) *Оказалось, Витька Беляев, **Тыбик**. Он добрый и безотказный. Ему говорят: Витя, **ты бы сбегал, ты бы сделал**... И Витя сбегает и сделает. Поэтому и кличка - **Тыбик**. Дружеская, ласковая, как у пенсионеров, которые бегают по магазинам с сумками…* (Коршунов 1971).

(2) *Сейчас ты уважаемый человек. При деле государственном. Всегда занят. А уволишься из армии - станешь "**тыбиком**". Будет тебе жена каждый день говорить: "**Ты бы сходил в магазин, ты бы выбросил мусор, ты бы**.... И никакого просвета…* (Баранов 1992).

Интернет дает множество однотипно уничижительных контекстов для *тыбика*:

(3) *... нашим "тупым" методом это любой* ***тыбик****, вчерашний студент сделает. Берегите свою квалификацию для других, более серьезных случаев.* (4) *Я уже на пенсии, а бабка еще работат. Собирается утром и указыват: «****Ты бы сходил туда… Сходил сюда… Ты бы сделал то… Ты бы сделал сё… Ты бы, ты бы, ты бы****…» <…>Получается, у нас, мужиков, есть дополнительная профессия у всех –* ***тыбик****!*

«***Тыбик…*** *Да, велик и могуч…*» - пишет один из блогеров, а его собеседник добавляет к дискуссии о тыбике: «*Думаю, что* ***Ябики*** *- тоже не очень приятные люди*.» Почему *ябик* не очень приятен, можно узнать из поста блогера по имени kaiserina: «*Особенно раздражает навязчиво-агрессивная форма данного поведения - с битьем себя пяткой в грудь и постоянной критикой окружающих. Самое забавное - то, что люди, которые точно знают, что бы они сделали на чьем-то месте, на своем часто особых достижений не демонстрируют*»[3].

Ябик – человек, демонстрирующий пренебрежение к собеседнику с помощью высказываний, содержащих указание на то, что бы можно было сделать в описанной говорящим ситуации («*Я бы на Вашем месте…*», «*Я бы при таких обстоятельствах…*») Ближайший родственник *ябика – якала, якало, якаль, якалка*, человек, который слишком часто употребляет в разговоре местоимение **Я**, пытаясь привлечь к себе внимание. И все-таки это не полные синонимы: можно сказать, что *ябик* – разновидность *якалки*. *Якала* есть в словаре Даля, а вот *ябику* не повезло.

Синоним *тыбика – тыба*, то же, что и *тыбик*, но без суффикса **ик**. Сложение *ты + бы* сопровождается фиксацией на письме сниженного просторечного произношения частицы «бы» как «ба»: [тЫбА]. *Тыбой* быть так же обидно, как и ***тыбиком***. Например:

(5) *Он надевал шинель с темными полосами невыгоревшего сукна на месте погон и шел в магазин. Мелкие поручения жены сначала радовали его, он был хоть чем-то занят. Но однажды встретил Гурина. Тот был когда-то помощником коменданта города и ушел в запас года полтора назад.*

Поздоровавшись, Гурин насмешливо спросил:
*— Что, Остап Григорьевич, и вы теперь стали «**тыбой**»?*
*— Какой «**тыбой**»? — не понял Герасименко.*
— Не знаете? — удивился Гурин. — Должность наша: с вами теперь такая. «Ты бы сходил за картошкой», «Ты бы купил колбасы или молока...» Словом, ты бы. Поняли?
<...> «Действительно, я начинаю превращаться в мальчика на побегушках, — подумал Герасименко. <...> Пожалуй, надо встряхнуться».

Итак, очевидно, что *тыбик, тыба* и *ябик* – персонажи, появившиеся в качестве реакции на особенность речевого поведения адресанта: использование форм сослагательного наклонения в функции императива (в случае с *тыбиком* и *тыбой*) или в функции косвенного указания на собственное превосходство.

Использование форм сослагательного наклонения для передачи значения повелительного (*ты бы сходил за билетами, ты бы вышел пораньше*) распространено очень широко. Считается, что обычно желательное наклонение выражает побуждение в мягкой форме, однако в действительности степень категоричности («жесткости») требования, выраженного такой формой, зависит от множества факторов: контекста, коммуникативной ситуации, особенностей интонирования, наличия частиц (уж, хоть, еще) или предикативного наречия лучше и пр.

Ситуации, в которые включен ***тыбик***, исполнитель поручения, не предполагают обращения к нему по имени, к нему обращаются на **ты**, причем это обращение внутренне противоречиво: с одной стороны, адресат «свой», поэтому обращение к нему на ты правомерно, с другой стороны, безапелляционность просьбы, адресованной ему, в этом случае оскорбительна. Ведь «свой» должен иметь право голоса, однако в повседневном общении получается, как в известной песне: «Уж ты бы лучше помолчала бы…»

В конце мы хотели бы подчеркнуть, что исследование языковой и речевой агрессии в условиях повседневной коммуникации является перспективным

направлением и требует дальнейших разработок применительно к иным лингвокультурам.

Использованная литература:

1.Типология императивных конструкций: Отв. ред. В.С.Храковский. СПб, 1992. С. 6-7.

2. Корди Е.Е. Оптативность //Теория функциональной грамматики: Темпоральность. Модальность. Л., 1990. С.174-185.

3. Левонтина И.Б. Загадки частицы уж// Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии (По материалам ежегодной международной конференции «Диалог») Выпуск 7 (14), М., 2008

4. Щербинина Ю.В. Вербальная агрессия. М., 2006. С.233-240.

5. Агрессия в языке и речи: Сб. статей под ред. И.А. Шаронова. М.: РГГУ, 2004. С.38-52.

6. Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методический аспекты. М., 2006. С.84.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИНОНЧ АЙТИМЛАРНИНГ МАВЗУ КЎЛАМИ

Мўминова Нодира Махмудовна
Андижон давлат университети докторанти

Аннотатция. Халқимизнинг атроф-олам ҳодисаларига оид кўҳна инончлари мазмунини ифода этадиган паремалар туркумига кирувчи материаллар. Ўзбек фольклорининг табиат ҳодисалари ҳақидаги инонч айтимлари доираси, композицион жиҳатдан тугал компонентли инонч айтимларнинг структурал-поэтик хусусиятлари тўғрисида.

Калит сўзлар. Фольклоршунослик, паремалар, аср, кўҳна, инонч, поэтик, айтимлар, образ,

КРУГ ТЕМ В УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПРИМЕТАХ

Аннотатция. Материалы, относящиеся к серии паремов, выражающих содержание древних представлений нашего народа об явлениях окружающей среды..Тематика узбекского фольклора о явлениях природы, о структурно-поэтических особенностях композиций с законченными компонентами. и о структурно-поэтических особенностях композиционно законченных составных поверий.

Ключевые слова. Фольклор, паремы, век, исторический, верные, поэтические, поверья, образ

CIRCLE OF THEMES IN UZBEK FOLK OMENS

Annatation. Materials related to a series of parems expressing the content of the ancient ideas of our people about environmental phenomena. On the concept of the meaning of Uzbek beliefs and sayings, considered as linguocultural and ethnofolklore clichés that make up the dominant theme of prognostic predictions

Keywords. Folklore, parems, age, historical, true, poetic, beliefs, image.

Кириш. Ўзбек фольклорининг соф бадиий-эстетик эмас, маиший ахборот берувчи ва утилитар функцияни бажарувчи жанри бўлган инонч айтимлар Шўролар сиёсатининг атеистик тазйиқларига дучор бўлишига қарамасдан, табиатан муайян коммуникатив вазифага йўналтирилганлиги боис яшовчанлигини сақлаб қолган. Биз ўзбек халқи асрлар мобайнида яратиб, сайқал бериб келган инонч айтимларнинг кўплаб намуналарини дунё фольклоршунос-паремиологлари яратган сўнгги таснифларга таянган ҳолда мавзу доирасига кўра, қуйидаги соддароқ уч асосий туркумга ажратиш мумкин деб ҳисобладик:

1. Табиат ҳақидаги инонч айтимлар;

2. Одам ҳақидаги инонч айтимлар;

3. Нарса-жисмлар тўғрисидаги инонч айтимлар.

Мазкур тасниф ўзбек фольклоршунослигида илк бора илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётгани боис камчиликдан холи бўлмаслиги мумкин. Албатта, бундан буён изланувчи тадқиқотчилар томонидан унга янада аниқлик киритилиши шубҳасиз. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур таснифни биринчи галда паремаларнинг миллий ва маҳаллий табиатидан келиб чиқиб шакллантирдик. Айтайлик, рус ва бошқа европа халқларининг олимлари исириқ, ювинди ёки тумор ҳақидаги инонч айтимларни билмаслиги ҳам мумкин. Хуллас, тўпланган ўзбек инонч айтимлари намуналарини табиат, одам ва нарса-жисмлар сингари уч асосий туркумга ажратишда уларнинг вазифадошлигида мантиқий такрорга йўл қўйилмаслиги инобатга олинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Халқимизнинг атроф-олам ҳодисаларига оид кўҳна инончлари мазмунини ифода этадиган паремалар туркумига кирувчи материалларни биз мазмун-моҳиятига кўра тубандагича ички кўринишларга эга деб ҳисоблаймиз:

1. Коинот жисмлари тўғрисидаги (астрономик) инонч айтимлар;
2. Турли табиий ҳодисалар ҳақидаги (атмосферага оид) инонч айтимлар;

3. Вақт бўлаклари тўғрисидаги (тақвимий) инонч айтимлар;
4. Атроф-муҳит ҳақидаги (географик) инонч айтимлар;
5. Ўсимликлар, дов-дарахтлар ва жондорлар олами (флора ва фауна) ҳақидаги инонч айтимлар.

Коинот жисмлари тўғрисидаги инонч айтимлар халқимизнинг узоқ асрлар мобайнидаги кузатишлари ҳосиласи сифатида оғиздан оғизга ўтиб, кундалик маиший ҳаётда ўз тасдиғини топиб келган. Кексалар нутқидаги осмон жисмларининг номлари эса тажрибали карвонбоши ва чўпонлар асрлар мобайнида аждоддан авлодга оғзаки тарзда етказиб келган асрал билимлар мажмуини ташкил этади. Аждодларимиз само жисмлари ҳаракати ва унинг оқибатида Ерда содир бўладиган ўзгаришларни синчиклаб кузатиш асносида шаклланган астрал ва аграр билимлари, хусусан, соляр, лунар ва фенологик хулосаларини биргина инонч айтим эмас, балки фольклорнинг бошқа бир қатор (асосан маиший маросим) жанрлари қатига ҳам жойлаб келганлар. Бу асарларда фазовий жисмларнинг ибтидоий инонч-эътиқодлар билан йўғрилган образлари акс этган. Уларнинг яралишига Қуёш, Ой ва Ер курраси, юлдузлар, булут, камалак, чақмоқ ва момагулдурак сингари осмон жисмлари ва стихияли ҳодисалари ҳақидаги таассуротлар асос бўлган. Жанговар туркий боболаримиз кундалик эҳтиёжларидан ўзга мол-дунёга ружуъ қўймаганлар ва мабодо уларни йўқотган дамда фарёд қилиб ўртанмаганлар. Айтайлик, европаликлар эгалик қилиш учун бир-бирини ўлдирадиган тилла ёмбилар улар учун ялтироқ сариқ тош сифатида қадрсиз бўлган. Бунақа маънавий кўникмалар сабабини очишга уринган бир рус тарихчиси қуйидагича ёзган эди: *“Каждый человек во что-нибудь да верил – в покровительство предков или в благую силу Митры... в священный огонь или в то, что звезды правят судьбами стран и народов. Только все это носило бытовой характер: больше обрядов, чем философии, больше упора на жизнь земную, чем потустороннюю, и больше суеверий (благополучно доживших до наших дней), чем собственно веры”*.[4:105]

Миллий инончларга қатъий амал қилган кайвони онахонлар чиллали келинларини кечаси юлдузларга қаратмаганлар. Уларнинг тушунчасича,

Келинлар никоҳ тўйидан кейинги чилла даврида мабодо “Уч архар”га қараса, уч йил, “Тўрт нўғой”га қараса, тўрт йил, “Беш оғайни”га қараб турса, беш йил, “Етти қароқчи”га қараса, етти йил, “Тўққиз тўранг”га қараса, тўққиз йилгача фарзандли бўлмайдилар. Кекса кишилар ит ёки от жунининг қай тарзда ва қачон тулаши, сичқоннинг оз-кўплиги, эрмон, қизил мия, сачратқи ва бошқа дарахт ва ўсимликларнинг ривожига қараб йилнинг қандай келишини айтиб берганлар. Қуёш, Ой ва юлдузлар тўғрисида халқимиз томонидан тўқилган инонч айтимларга айрим мисоллар: Ой ётиқ ҳолда (столдаги бир тилик қовун шаклида кўринса, ўзига – жой (қулай), халққа - бежой (хавотирли), тик ҳолда (масжидлар қуббаси устидаги шаклда) кўринса, халққа - жой, ўзига - бежой бўлади. Юлдуз учса, кимдир ўлган бўлади. Ҳулкар юлдузи кўринмайдиган бўлиб қолганидан сўнг кўп ёмғир ёғса, йил баракали бўлади. Юлдузлар чарақлаб турса, эртасига ҳаво очиқ, юлдузлар хира кўриниб турса, эртасига ёмғир бўлади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбек фольклорининг табиат ҳодисалари ҳақидаги инонч айтимлари доирасига, бизнингча, булут, камалак, чақмоқ, момагулдурак, ёмғир, қор, дўл ёғиши, шамол, сел, зилзила ва ёнғин каби кутилмаганда рўй берадиган стихияли табиий ўзгаришларни киритиш мумкин. Жумладан: Камалак чиққанида сочини остонага қўйиб учини чопса, сочи тез ўсади. Ҳомиладор аёл камалак чиққан сочини тараса, Ҳасан-Ҳусан туғади. Қора булутлар пайдо бўлганида асаларилар уясига кирмаса, ёмғир ёғмай, ҳаво очилиб кетади.

Аждодларимиз ўтиб бораётган йил, фасл, ой, ҳафта ва кунларнинг такрорий моҳиятидан келиб чиқиб турлича номланганлар ва орттирилган тажрибалар негизида ўша вақт бўлаги доирасида қандай ишларни бажариш мумкин-у, қайси амаллар мумкин эмаслигига доир инонч айтимларни яратганлар. Мисол учун, пайшанба кунининг иккинчи ярмини “ис оқшоми” деб атаганлар. Ўша куни ош пиширилиб, арвоҳлар ҳақига Қуръон оятларини ўқиганлар. Бу анъана ҳозир ҳам кўплаб ўзбек хонадонларида сақланган.

Атроф-муҳит ҳақидаги инонч айтимлар фольклор яратувчиларининг теварагини ўраб турган ландшафт белгилари (тоғ, чўққи, дарё, кўл, анҳор, ариқ) билан изоҳланади. Масалан: Ариқ ёки анҳор билан боғлиқ инонч айтимлар: Ариқ сувига пешоб қилса, кўзи кўр бўлади. Ариқ сувига супиринди (ахлат) ташласа, тўйига аза аралашади. Ёмон тушни ёлғиз ҳолда анҳор сувига айтиб берса, сув ўзи билан бирга оқизиб кетади. Тун оққанида анҳор бўйига чиқса, сув ажиналари тармашади. Ариқдаги сув саҳарда дарвоза олдига сепиб қўйилса, шу уйнинг қизига талабгор бўлиб дарвоза олдини супириб кетаётган ёқимсиз йигит сувдай совиб кетади.

Ўсимликлар ҳақидаги инонч айтимлар гуруҳига кирувчи фольклор намуналарининг тури кўп бўлганлиги боис уларни даставвал бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар деган иккита ички бўлакка ажратишни лозим топдик.

Табиат туркумига кирувчи инонч айтимларнинг навбатдаги гуруҳини дов-дарахтларнинг турлари ташкил этиб, ўзбек халқи асосан шафтоли, ёнғоқ, анор ва ҳоказо дарахтлар билан боғлиқ таъқиқ ва башоратларни айтим ҳолида тўқиган. Масалан: Қизил дўлана гули ва барглари сояда қуритилиб, чой ўрнида ичиб юрилса, қон босими мўътадиллашади.

Халқимиз яратган табиат туркумига кирувчи инонч айтимларнинг энг катта қисмини, шубҳасиз, жондорлар тўғрисидаги фольклор асарлари ташкил этади. Бу туркум намуналарини мазмунига кўра, бизнингча, қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Ёввойи ҳайвонлар билан боғлик инонч айтимлар.

2. Хонаки хайвонлар билан боғлиқ инонч айтимлар.

3. Сув хайвонлари билан боғлиқ инонч айтимлар.

4. Паррандалар билан боғлиқ инонч айтимлар.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбек фольклорининг соф бадиий-эстетик эмас, маиший ахборот берувчи ва утилитар функцияни бажарувчи жанри бўлган инонч айтимлар Шўролар сиёсатининг атеистик тазйиқларига дучор бўлишига қарамасдан, табиатан муайян коммуникатив вазифага йўналтирилганлиги боис яшовчанлигини сақлаб қолган. Ўзбек инонч айтимларининг вазифадошлиги

ўқпоясида таъбир ва башорат (прогностик) функция туриши баробарида қўшимча равишда маромли мувофиқлик (регуляторлик), маъно кўчимига асосланиш (когнитив), ритуал, этик, этикетлилик, гигиеник, экологик, лингво-эстетик вазифалар ўрин эгаллайди. Халқимизнинг табиат ҳақидаги кўҳна инончлари туркумига кирувчи материаллар мазмун-моҳиятига кўра тубандагича ички кўринишларга эга эканлиги аниқланди: коинот жисмлари тўғрисидаги (астрономик); турли табиий ҳодисалар ҳақидаги (атмосферага оид); вақт бўлаклари тўғрисидаги (тақвимий); атроф-муҳит ҳақидаги (географик); ўсимликлар, дов-дарахтлар ва жондорлар олами (флора ва фауна) ҳақидаги инонч айтимлар. Коинот тўғрисидаги (астрономик) инонч айтимлар сажияси само жисмлари ҳаракати ва унинг оқибатида Ерда содир бўладиган ўзгаришларни синчиклаб кузатиш асносида шаклланган астрал ва аграр билимлар, хусусан, соляр, лунар ва фенологик таълимот билан боғлиқдир. Бу асарларда фазовий жисмларнинг ибтидоий инонч-эътиқодлар билан йўғрилган образлари акс этган. Уларнинг яралишига Қуёш, Ой ва Ер курраси, юлдузлар, булут, камалак, чақмоқ ва момагулдурак сингари осмон жисмлари ва стихияли ҳодисалари ҳақидаги таассуротлар асос бўлган. Турли табиий ҳодисалар ҳақидаги (атмосферага оид) инонч айтимлар доирасига булут, камалак, чақмоқ, момагулдурак, ёмғир, қор, дўл ёғиши, шамол, сел, зилзила ва ёнғин каби кутилмаганда рўй берадиган ҳолатларни кузатиш асносида яратилган микрожанр намуналари киради. Бинобарин, ёмғир чақириш ва тўхтатиш; шамол чақириш ва тўхтатиш; зилзила ва ёнғинни тўхтатиш билан боғлиқ анъанавий айтимлар намуналари сақланиб қолган. Вақт бўлаклари тўғрисидаги (тақвимий) инонч айтимлар тематик жиҳатдан мучал, буржлар, фасллар, ойлар, ҳафта ва кунларнинг хосиятли ёки самарасиз келиши билан боғлиқ инонч-таъбирларни ўз ичига қамраб олади. Атроф-муҳит ҳақидаги (географик) инонч айтимларнинг тематик доирасига фольклор яратувчиларининг теварагини ўраб турган ландшафт белгилари (тоғ, чўққи, дарё, кўл, анҳор, ариқ) киради. Ўсимликлар, дов-дарахтлар ва жондорлар олами ҳақидаги инонч айтимлар ўз ичига бизни ўраб турган флора ва фаунанинг инсон фаолияти ва руҳиятига

мўъжизакор таъсир кўрсатадиган даъват, тавсия, таъқиқ, таъбир, огоҳлантириш, башорат қилиш ва бошқа имиқуқ хоссаларини ўз ичига қамраб олади.

Хулоса. Инсон, унинг маиший ҳаёти ва феъл-атвори билан боғлиқ иноч айтимлар донишманд халқимизнинг кузатувчан амалиёти ҳосиласи бўлиб, кундалик фаолият учун маиший-прогностик қўлланиш дастури саналади. Инсоннинг тана аъзолари тўғрисидаги иноч айтимлар синчков кексаларимизнинг геромантия (ёш ўтиши билан юзга тушадиган чизиқлар ҳақидаги билимлар), хиромантия (кафтдаги чизиқлар юзасидан таълимот) ва бошқа ўгитларини ўзида қисқа, лўнда ва таъсирчан ҳолда ифодалайди. Эркаклар ва аёлларнинг ёш босқичларига доир иноч айтимлар паремик прогностиканинг энг ёрқин намуналаридан саналиб, оила муҳити ва умумжамоа мулоқотида инсон руҳиятини англаш йўлларини белгилаб беради. Инсон, унинг маиший ҳаёти ва феъл-атвори билан боғлиқ иноч айтимлар ҳар бир миллатнинг ментал ўзлигини намойиш этиши баробарида анъанавий халқ педагогикаси унсурларини таъсирчан ва образли ҳолда сақлаб келади.

Нарса-жисмлар тўғрисидаги иноч айтимлар тематик моҳиятига кўра асосан уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар ва озиқ-овқат турлари сингари учта гуруҳга ажраладилар. Халқ билимдонлари бобо ва момаларидан эшитган уй-рўзғор буюмларига доир иноч айтимлар мазмунини ўз маиший-амалий тажрибаларида синаб кўришиб, янада сиқиқ ва лўнда шаклда ҳамда ўгитли таъбир ва таъқиқли маъно билан бойитганлар. Озиқ-овқатларга бағишланган иноч айтимлар мазкур жанрнинг анъанавий сабаб, оқибат ва чора-тадбир унсурларининг узвий бирлигида намоён бўлиб, миллий қадриятлар руҳида ўсаётган ёшлар тарбияси учун кучли психологик таъсир қувватига эга эканлиги рад этиб бўлмас ҳақиқат саналади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ёрматов И. Ўзбек халқ ирим айтимларининг жанр хусусиятлари. // “Фан ва таълим”илмий тўплами. – Т.: “Насаф” нашриёти. 2010. – Б. 193-207.

2. Лютин А.Т. Народное наследие о приметах погоды: Календарь. – Саранск: Мордов. кн. Изд-во, 1993. 96 с.;

3. Путилов Б.Н. Историко – фольклорный процесс и эстетика фольклора // Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975.- С.12-21.

4. Спиридонова А. Азиатская стезя Буддийских пилигримов. // Журнал “Эпоха”. 2008. № 4.-С.105.

МЕТАЛЛ КОМПЛЕКСЛИ ФТАЛОЦИАНИНЛАР

Мирзаева Ф.Дж[1], Тўраев Х.Х[2], Умбаров И.А[3], Файзиев Ж. Б[4].

[1]Термиз давлат университети ноорганик кимё кафедраси таянч докторанти.

[2]Термиз давлат университети Кимё факултети декани, техника фанлари доктори, профессор.

[3]Термиз давлат университети,Архитектура ва қурилиш факультети декани,техника фанлари доктори, профессор в/б

[4]Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти дотцент


Аннотация: Фталоцианинларни синтез қилиш учун бошланғич бирикмалар ароматик орто-дикарбоксилик кислоталарнинг ҳосилалари, ангидридлар, имидлар, диамидлар, орто-цианобензамидлар, динитриллар, дииминоизоиндолинлар ва бошқалар ҳисобланади. Ҳозирги даврда, фталоцианинлар олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Динитриллар,ароматик бирикмалар, фталоцианин, орто-дикарбоксилик кислоталарнинг ҳосилалари, имидлар, диамидлар ва дииминоизоиндолинлар.

Кириш Фталоцианинлар, синтетик пигментлар ва бўёқлар сифатида анъанавий фойдаланишдан ташқари, синтетик толалар, бўёқлар, қопламалар, пластмассалар турли хил кимёвий реакциялар учун катализатор сифатида ишлатилади. Чизиқли бўлмаган оптика учун материаллар, қуёш батареяси компонентлари, суюқ кристалл дисплейлар учун бўёқлар, онкологик ва бошқа фотодинамик терапия учун фотосенсибилизаторлар ва бошқалар сифатида қўлланилади. Фталоцианинларга бўлган талаб, бир томондан, уларни тайёрлашнинг нисбатан қулайлиги билан, иккинчи томондан, физик-кимёвий хусусиятларининг ноёб бирикмаси билан изоҳланади [1].

.Кислоталар, ангидридлар ёки имидлардан фталоцианинларнинг металл комплексларини тайёрлашда фталоцианин, одатда карбамид ҳосил қилиш учун азот атомлари манбаи керак. Комплекслар бошланғич бирикмани ортиқча карбамид, металл тузи ва катализатор (аммиак молибдат) билан 180° С дан 300 ° С гача бўлган ҳароратда қиздириш орқали олинади. Оғир реакция шароитлари бу усулни қўллашни чеклайди, аммо алмаштирилмаган ҳолларда реакция шароитида барқарор бўлган комплекслар ёки ўринбосарлар, маҳсулотларнинг унуми юқори бўлиши мумкин [2].

Фталоцианинларнинг мис комплексларини диметилформамид ёки хинолин каби эритувчиларда мис цианид билан алмаштирилган орто-дибромобензолларни иситиш орқали тайёрлаш мумкин. Реакция фталонитрилнинг оралиқ маҳсулот ҳосил бўлиши орқали олиб борилади [3].



1-расм.Фталоцианинлар синтези учун асосий бошланғич бирикмалар схемаси.

Келтирилган усуллар фақат фталоцианинларнинг металл комплексларини олиш учун ишлатилиши мумкин. Фталонитриллар фталоцианинларни синтез қилиш учун энг машҳур бошланғич бирикмалардир. Металл комплексларини фталонитрилни металл ёки унинг тузи билан эритувчисиз ёки юқори қайнайдиган инерт эритувчида (хинолин, нитробензол, 1-бромонафталин ва бошқалар) қиздириш орқали олиш мумкин[3].

Хулоса. Фталоцианинни олишнинг биринчи усули, металлар - натрий, литий, магний, калций, қалай ва қўрғошин билан деметализация қилиш реакцияси эди. Фтаоцианинларни эритувчиларда эритиб эритувчиларга бўлган муносабати ва фотодинамик хоссалари ўрганилган.. Олиб борилаётган интенсив тадқиқотлар келгусидаги бўёқ сезгирлик ва фотодинамик хоссалари пигментнинг қўлланилиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган. Пластмасса буюмларга ранг беришда ва ташқи таъсирга чидамлилигини оширишда, полиэтилен плёнкаларга стабилизаторлар, эмал тайёрлашда, нашриёт-матбаа учун ишлатиладиган бўёқлар тайёрлашда, лок-бўёқ қорламалар олишда, пахта матоларни бўяшда ва бошқа йўналишларда ишлатилади.

Адабиётлар рўйхати.

1.Wöhrle D., Schnurpfeil G., Makarov S. G., Kazarin A., Suvorova O. N. Practical applications of phthalocyanines – from dyes and pigments to materials for optical, electronic and photo-electronic devices // Макрогетероциклы. 2012. № 5 (3). С. 191-202.

2..McKeown N. B. Six-membered hetarenes with two unlike or more than two heteroatoms and fully unsaturated larger-ring heterocycles. Product class 9: Phthalocyanines and Related Compounds. // Science of Synthesis. 2003. V. 17. P. 1237–1368.

3..Barrett P.A., Dent C.E., Linstead R. P. Phthalocyanines. Part VII. Phthalocyanine as a coordinating group. A general investigation of the metallic derivatives. // J. Chem. Soc. 1936. P. 1719–1736.

АК-1 АНТИПИРЕН КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОН СКАНЕРЛОВЧИ МИКРОСКОР (ЭСМ) ВА ЭЛЕМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Садиков Акрамжон Рўзибоевич

«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ, мустақил изланувчи, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти Шўрабозор п/б

E-mail: akramjonsadikov@mail.ru

Файзиев Жаҳонгир Баҳромович

«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ, техника фанлари бўйича флсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти

Нуркулов Файзулла Нурмуминович

«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти


Аннотация.Таклиф қилинаётган тўқимачилик материаллари учун антипирен композициялар тузилиши, мато билан боғ ҳосил қилганда унинг таркибий қисмларини яхши аралашганлиги, бошқа хоссаларни таҳлил қилиш мақсадида электрон-микроскоп ва элемент таҳлиллардан фойдаланилди. Электрон микроскоп таҳлил учун АК-1 намунаси тайёрланди ва вакуумли шароитда 10-20 нм қалинликда электр ўтказувчанлиги юқори бўлган металл (олтин) кукунлар пуркалиб полимер композит металл юзасини қоплаш кетма-кетлиги бажарилди.

Калит сўзлар: Целлюлоза, электрон микроскоп, матрица, микроструктура, гомоген масса ва АК-1 маркали антипирен коппозит.

Кириш. Оловбардош тўқимачилик материаллари асосидаги махсус кийимлар ҳароратдан, учқунлардан, очиқ оловдан, эритилган металларни чайқалишларидан, 50 дан 100 °C гача ҳамда 100 дан 400 °C гача қиздирилган юзалар билан турли ишларни амалга оширишдан ҳимояланиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш омилларида қўлланилади. [1].

Целлюлоза (пахта) ва айниқса кимёвий толалар билан бўёқларнинг кимёвий боғ ҳосил қилиши анча мураккаб. Целлюлоза нейтрал моддадир, шунинг учун бўёқни бундай толага мустаҳкамлаш учун матоларни кучсиз кислота хусусиятига эга бўлган баъзи кимёвий моддалар билан ишлов бериш керак. Шу мақсадда тўқимачилик материалларини АК-1 антипирен билан модификациялашни таклиф қилдик. Электрон микроскопик тадқиқотлар бизга ўрганилаётган материал матрицаси микроструктурасининг хусусиятларини, ундаги тўлдирувчи моддасининг тақсимланишин, унинг тарқалиш даражасини, намуна ичида тақсимланишининг бир хиллигини батафсил кўриб чиқишга имкон беради [2, 3.]

Таклиф қилинаётган тўқимачилик материаллари учун антипирен композициялар тузилиши, мато билан боғ ҳосил қилганда унинг таркибий қисмларини яхши аралашганлиги, бошқа хоссаларни таҳлил қилиш мақсадида электрон-микроскоп ва элемент таҳлиллардан фойдаланилди.




1- расм. АК-1 маркали антипирен композити юзасининг электрон микроскопда 700 ва 220 марта катталаштирилган ҳолати

Фталоцианин пигменти асосидаги АК-1 маркали антипирен коппозитни электрон микроскоп таҳлили шуни кўрсатадики 1-расмда антипирен композитларни ташқи кўриниши ҳамда гомоген масса ҳосил қилиши ушбу турдаги антипиренларнинг бир нечта кимёвий моддалар билан композитларни ҳосил қилишда кукунли моддаларни 25-30 мкм дан кичик бўлиши унинг физик-механик хоссаларни яхшиланишига катта таъсир этади.

Фталоцианин пигменти асосидаги АК-1 маркали антипирен коппозитни микроскоп таҳлиллари натижаси ўрганилганда ушбу антипирен композитни ҳосил бўлганда уни таркибидаги кимёвий моддаларни бир хилда тарқалганлиги

оловбардош антипирен маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб беради. АК-1 антипирен композит юзасида ва уни катталаштирилган электрон микроскоп таҳлилларда заррачаларни тарқалиши аниқ ҳамда турли сифатсиз ҳолатлар йўқлигини кўрсатди.




2–расм. АК-1 маркали антипирен композити юзасидаги элементлар тарқалишининг электрон-микроскопик таҳлили

Фталоцианин пигменти асосидаги АК-1 маркали антипирен коппозитни элемент таҳлиллари 2-расмда АК-1 маркали антипирен коппозитни структурасида бир хил даражада кимёвий моддаларнинг заррачалари борлиги ва тақсимланганлиги аниқланиб элемент таҳлил ёрдамида ушбу кимёвий таркибларни миқдорлари таҳлил қилинди.

1-жадвал

АК-1 маркали антипирен композитнинг элемент таҳлили

Элемент	Масса %	Атом %
C	15.29	20.32
O	47.23	47.14
N	21.38	24.37
P	15.63	8.06
Cu	0.47	0.12
жами	100	100



3–расм. АК-1 маркали антипирен композитни электрон-микроскопдаги элемент таҳлили

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Микрюкова Ольга Николаевна. Разработка и исследование свойств огнезащитных текстильььььных материалов и пакетов спецодежды/ Дисс. Кандидата технических наук: 05.19.01.- Москва, 2018. – 176с.

2. Sadikov A.R., Fayziyev J.B., Nurqulov F.N. //Ик-спектри дифференциальный термический анализ олигомерного антипирена на основе фталоцианина // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2023. 6(111). 57-61 с.// часть 3

3. Sadikov A.R., Fayziyev J.B., Nurqulov F.N. // Ftalotsianin komplekslarini to‘qimachilik sanoatidagi ahamiyati // Fan va texnikada innovatsion texnologiyalar: fizik yechimlar, metrologik o‘lchashlar hamda elektronika va asbobsozlik muammolari // 3sho’ba-130bet //Qarshi-2023

АК-2 АНТИПИРЕН КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОН СКАНЕРЛОВЧИ МИКРОСКОР (ЭСМ) ВА ЭЛЕМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Садиков Акрамжон Рўзибоевич
«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ,
мустақил изланувчи, Тошкент вилояти Шўрабозор п/б
E-mail: akramjonsadikov@mail.ru
Файзиев Жаҳонгир Баҳромович
«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ,
техника фанлари бўйича флсафа доктори, Тошкент вилояти Шўрабозор п/б
Нуркулов Файзулла Нурмуминович
«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти»МЧЖ,
техника фанлари доктори, профессор, Тошкент вилояти Шўрабозор п/б

Аннотация. Таклиф қилинаётган тўқимачилик материаллари учун фталоцианин пигменти асосидаги АК-2 маркали антипирен коппозитни микроскоп таҳлиллари натижаси ўрганилди. Ушбу антипирен композити ҳосил бўлганда уни таркибидаги кимёвий моддаларни бир хилда тарқалганлиги оловбардош антипирен маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб беради.


Калит сўзлар: Электрон микроскоп, матрица, микроструктура, гомоген масса, пайвандчилар, электриклар, ёнғин ўчирувчилар ва АК-2 маркали антипирен композит.

Кириш. Оловбардош тўқимачилик материалларни тармоқлар бўйича қўлланилиши қўйидагича таснифланади: металлурглар ва металл қуйиш ишчилари, пайвандчилар, электриклар, ёнғин ўчирувчилар, нефть ва газ, кўмир қазиб олиш ва бошқа портловчи ва ёнғин хавфи юқори саноат корхоналари ишчилари учун махсус кийимлар сифатида қўлланилади. [1].

Шу мақсадда тўқимачилик материалларининг оловбардошлигини ошириш мақсадида АК-2 антипирен билан модификациялашни таклиф қилдик.


Электрон микроскопик тадқиқотлар бизга ўрганилаётган материал матрицаси микроструктурасининг хусусиятларини, ундаги тўлдирувчи моддасининг тақсимланишин, унинг тарқалиш даражасини, намуна ичида тақсимланишининг бир хиллигини батафсил кўриб чиқишга имкон беради [2, 3.]


Фталоцианин пигменти асосидаги АК-2 маркали антипирен коппозитни электрон микроскоп таҳлили шуни кўрсатадики 1-расмда антипирен композитларни ташқи кўриниши ҳамда гомоген масса ҳосил қилиши ушбу турдаги антипиренларнинг бир нечта кимёвий моддалар билан композитларни ҳосил қилишда кукунли моддаларни 25-30 мкм дан кичик бўлиши унинг физик-механик хоссаларни яхшиланишига катта таъсир этади.



1– расм. АК-2 маркали антипирен композити юзасининг электрон микроскопда 400 ва 2500 марта катталаштирилган ҳолати


Фталоцианин пигменти асосидаги АК-2 маркали антипирен коппозитни микроскоп таҳлиллари натижаси ўрганилганда ушбу антипирен композитни ҳосил бўлганда уни таркибидаги кимёвий моддаларни бир хилда тарқалганлиги оловбардош антипирен маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб беради. АК-2 антипирен композит юзасида ва уни катталаштирилган электрон микроскоп таҳлилларда заррачаларни тарқалиши аниқ ҳамда турли сифатсиз ҳолатлар йўқлигини кўрсатди.





2–расм. АК-2 маркали антипирен композити юзасидаги элементлар тарқалишининг электрон-микроскопик таҳлили

Фталоцианин пигменти асосидаги АК-2 маркали антипирен коппозитни элемент таҳлиллари 2-расмда АК-2 маркали антипирен коппозитни структурасида бир хил даражада кимёвий моддаларнинг заррачалари борлиги ва тақсимланганлиги аниқланиб элемент таҳлил ёрдамида ушбу кимёвий таркибларни миқдорлари таҳлил қилинди.



3–расм. АК-2 маркали антипирен композитни электрон-микроскопдаги элемент таҳлили

Биз олган АК-2 маркали антипирен композитнинг СЭМ таҳлили ўрганилганда C -20,91%, O – 35,27 %, N – 9,68% P – 8,10% Ca – 5,11% Fe – 2,34% Cu – 0,49% Na – 0,60%, Mg – 0,86%, Al – 0,88%, Si – 1,90%, S – 0,91%, Mn-0,15 %,, Ti – 0,06% миқдоридаги элементлар борлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванова С.Н. Анализ ассортимента огнезащитных текстильььных материалов и их классификация / С.Н. Иванова, О.Н. Микрюкова, Ю.М. Шульц, Т.С. Лебедева, М.В. Загоруйко, Бесшапошникова В. И. // Дизайн и технологии – 2018, №64(106). – С. 61-68.

2. Sadikov A.R., Fayziyev J.B., Nurqulov F.N. //Ик-спектри дифференциальный термический анализ олигомерного антипирена на основе фталоцианина // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2023. 6(111). 57-61 с.// часть 3

3. Sadikov A.R., Fayziyev J.B., Nurqulov F.N. // Ftalotsianin komplekslarini to‘qimachilik sanoatidagi ahamiyati // Fan va texnikada innovatsion texnologiyalar: fizik yechimlar, metrologik o‘lchashlar hamda elektronika va asbobsozlik muammolari // 3sho’ba-130bet //Qarshi-2023

МЕТОДИЧЕСКИЕ И ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Хужаев Салимжон Содикович

Соискатель кафедры “Финансовый анализ и аудит” Ташкентского государственного экономического университета.

salimbekpaxlavon@mail.ru

Аннотация. В данной статье исследованы некоторые аспекты организации и ведения учетной политики бухгалтерского учета, ее принципы и методические основы на примере действующих предприятий. Предложена методика трансформации национальной учетной системы на МСФО с учетом особенностей организации учета и анализа предприятий Узбекистана.

Ключевые слова: Концептуальные основы, учетная политика, финансовая отчетность, принципы учетной политики, план счетов бухгалтерского учета.

Современная мировая практика организации и ведения бухгалтерского учета показывает необходимость урегулирования экономических взаимоотношений путем принятия единообразных правил, методов и принципов в целях обеспечения взаимопонимания и прозрачности предоставляемых финансовых отчетов.

Целью ведения учётной политики в области бухгалтерского учета хозяйствуюшего субъекта является обеспечение однородности, единство и идентичности методов, способов и приемов, для целей бухгалтерского учета и целей налогообложения.

Обично любая учетная политика бухгалтерского учета опирается на международные стандарты финансовой отчетности (IFRS), Закон Республики Узбекистан «О бухгалтерском учете», Налоговый Кодекс Республики Узбекистан, Национальные Стандарты Бухгалтерского Учета №1 “Учетная политика и финансовая отчетность” (НСБУ №1) и т.д.

Методы ведения бухгалтерского и налогового учета и отражения в учете хозяйственных операций могут быть выбраны самой службой бухгалтерского учета и отчетности предприятия. Далее она утверждается руководителем хозяйствещего субъекта. Она утверждается печатю данного предприятия. Только после этого она имеет нормативно-правовую силу.

В процессе организации Учетной политики должны учитываться технологические и институтционалные особенности деятельности хозяйствующего субъекта, организационная структура, свойства формирования финансовых результатов, международный опыт в данной отрасли.

Если финансовая отчетность составляется по требованию международных стандартов финансовой отчетности (IFRS), то консолидационные процессы приспосабливаются к указаниям Головной компании.

Примерная структура учетной политики хозяствующего субъекта примерно выглядит так:

введение;

общие положения;

организация бухгалтерского учета;

система внутреннего контроля и аудита;

документооборот и хозяйственные операции;

долгосрочные активы;

текущие активы;

активы и обязательства, выраженные в иностранной валюте;

инвентаризация;

учет затрат и калькулирование себестоимости продукции;

учет формирования финансовых результатов и выявления доходов;

методы учета заработной платы;

налогообложение доходов;

финансовая отчетность.

Бухгалтерский финансовый учет организуется в соответствии с Законом о Бухгалтерском учете Республики Узбекистан, Национальными стандартами

бухгалтерского учета (НСБУ) и другими законодательными актами и инструкциями, зарегистрированными Министерством юстиции Республики Узбекистан, с учетом требований международных стандартов учета и отчетности.

В этом велика роль рабочего плана счетов, представляющего совокупность аналитических и синтетических счетов бухгалтерского учета, приведенных в соответствие статями финансовой отчетности.

Хозяйствующий субъект в течение отчетного периода (с 1 января по 31 декабря) имеет право внести изменения в План счетов производственно-хозяйственной деятельности.

Как показывает практика применения учетной политики, при внедрение МСФО, в Узбекистане переход сразу на МСФО кажется затруднительной в связи с сформированной системой бухгалтерского учета, которую нужно трансформировать по этапно и последовательно. Этим вызвано необходимость применение 2х Плана счетов: план счетов по НСБУ и план счетов по МСФО.

Согласно пункта 8 Международного стандарта финансовой отчетности (IAS) 8 “Учетная Политика, изменения в бухгалтерских оценках и ошибки” установлена учетная политика, которая, по заключению Совета по МСФО, приводит к формированию финансовой отчетности, содержащей уместную и надёжную информацию об операциях, прочих событиях и условиях, к которым данная учетная политика применяется. Применение указанной учетной политики не является обязательным в тех случаях, когда эффект от ее применения является несущественным [2].

Учетная политика должна придерживатся основополагающим принципам бухгалтерского учета таких как: непрерывность, достоверность, сопоставимость показателей [1]. Помимо этих принципов, которые указаны в статье 3 Закона «О бухгалтерском учете Республике Узбекистан», на международной практике учета существует и другие важные принципы к числу следуют от нести следующие:

принцип начисления; ведение учета методом двойной записи; денежная оценка хозяйственных операций, активов и пассивов; предусмотрительность (осторожность); преобладание содержания над формой; нейтральность финансовой отчетности; фактическая оценка активов и обязательств; соответствие доходов и расходов отчетного периода; понятность; значимость; существенность; правдивое и беспристрастное представление; завершенность; последовательность; своевременность; оффсеттинг (взаимозачеты статей); объективность [5].

Исследование международного опыта компаний США показывает разнообразность и детальность разделов и статьей учетной политики по национальным стандартом US GAAP. Следует отметить, что в учетной политике США особое место отведено учету денежных средств и их эквивалентом, себестоимости товаров, готовой продукции и услуг, дебиторской и кредиторской задолженностей, кредитных рисков, государственной помощи и грантов, долевых ценных бумаг без легко определяемой справедливой стоимости и т.п. [4].

В заключении хотелось бы отметить, что необходимость и актуальность внедрения учетной политики возрастает в условиях трансформации экономики Узбекистана на международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности. Особенно это необходимо в период обеспечения экономического роста объёма производство, реализации и в условиях расширения хозяйственных связей как внутри страны, так и на международном уровне.

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан “О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «о бухгалтерском учете»”, 13 апреля 2016 г.

2. Международный Стандарт Финансовой Отчетности (IAS) 8 “Учетная Политика, изменения в бухгалтерских оценках и ошибки”. https://nrm.uz

3. IAS 8 - Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors. 2005. 01.01. www.iasplus.com/en/standards/ias/ias8

4. US GAAP Disclosure List. Accounting Policies. https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/

5. Учетная Политика Представительство FINEX в Республики Узбекистан для целей бухгалтерского учета и целей налогообложения. https://finex.uz.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Эргашева Гузал Яхёйевна

Ғузор тумани 17-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада шарқ мутафаккирларининг таълим ва тарбияга оид қарашлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Тарбия, “Муаллимий соний”, “Иккинчи муаллим”, тарбия жараёни, тизимли ёндашув.

Тарбия ижтимоий ходиса. У кишилик жамияти пайдо булган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги мукаммал зот булиши учун аввало узи тарбияланмоги зарур. Тарбия - бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чикариш фаолиятига тайёрлаш максадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир курсатиш жараёнидир. Тарбия таълим билан уйғун, аммо ўзига хос шарт-шароитни, узлуксизликни талаб қилувчи соҳа. Таълим – билимдон ёшларни, тарбия – иродаси кучли, ватанга содиқ, тадбиркор, меҳр-оқибатли ёшларни етиштириб беради.

Тарбия деганда аксарият оилаларда бола билан гаплашиб қўйиш, насиҳат, танбеҳ бериш, таълим муассасаларида эса чиройли сўзлаш, ёқимли фазилатларни мадҳ этиш, байрамларда, тадбирларда Ватан ҳақида шеърлар ўқиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш тушунилмоқда. Тарбия натижаси деганда ота-оналар болаларнинг соғломлиги ва хушмуомалалиги тушунилса, таълим муассасаларида ўтказилган тадбирлар кўрсатилмоқда. Эскича ёндошувда таълим – натижали, ўлчов мезонлари мавжуд, тарбия эса – натижаси кўринмайдиган, ўлчов мезонларини аниқлаш мумкин бўлмаган тушунча сифатида тан олинди.

Бунга тарбияга янгича, тизимли ёндашув, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабгача таълим муассасаси ҳамда

умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорликни янги даражага кўтариш орқали эришиш мумкин.

